

ОҚТИРНОҚ

Ит ҳақида беш ҳикоя



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016


УЎК 821.512.133-3 - *Ўзбек адабиёти*
КБК 84(5Ў)6я43
О 98

Тўпловчи ва сўнгсўз муаллифи:
Баходир Каримов

Оқтирок. Ит ҳақида беш ҳикоя / Тўпловчи Б.Карим. –
Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижо дий уйи,
2016. – 92 б.

Ушбу тўпламда замонавий ўзбек адилларининг инсон ва хай-
вонлар орасидаги муносабатларини бадиий талкин қилган энг
сара бешта ҳикояси жамланди. Хусусан, аниқ бир мавзуни, яъни ит
образини ўзига хос санъаткорлик билан тасвирлаган ҳикоялардаги
умумий пафос ўқувчиларда жиддий кизиқиш уйғотишига ишо-
намиз.

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6я43



ISBN 978-9943-03-744-1

- © Баходир Каримов
(тўпловчи)
- © Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2016

Саид АХМАД

ҚОРАКЎЗ МАЖНУН

Қуръони каримдан:

“Сизлардан қайси бирингиз ўз динидан қайтса ва шу кофирлигича ўлса, бас, ана ўшаларнинг (қилган савобли) амаллари хабата (бекор) бўлур, улар дўзах ахлидурлар ва у ерда мангу колурлар”.

(Бақара сураси, 217-оят.)

Ҳадиси шарифдан:

“Жаннатга кирадиган ўн нафар ҳайвондан бири бу “Асҳоби каҳф”нинг вафодор итидир”.

(Ал-жоме ал-Кабир.)

Саодат ая бомдод намозини ўқиб, жойнамоз пойида узоқ ўтириб колди. Бундан уч йил олдин оламдан ўтган эри уста Туробга атаб Қуръон тиловат қилди. Ўрис шаҳарларида дайдиб қолиб кетган ўғли Бўрихонга худодан инсоф тилади. Бахти очилмай, гулдек умри хазон бўлаётган қизи Қумрига ачиниб, шу фариштагинанинг йўлини оч, деб Аллоҳга илтижо қилди.

Кампир хар сахар ички бир эзгинлик билан шу гапларни такрорларди. У қўл чўзиб, жойнамознинг бир бурчини қайириб ўрнидан турди.

Сентябрь оёқлаб, сувлар тиникқан, ариқ тубларидан бола-бақра ташлаб юборган пиёлами, чойнак қопқоғими, қошиқми шундоққина кўриниб турибди. Қирғоқлар зах тортиб, экин-тикин сув сўрамай қўйган палла.

Кўшни ҳовлилардан мактабга кетаётган болаларнинг инжикликлари, хархашалари, оналарнинг ялиниб-ёлборишлари эшитилиб турибди. Кампир бу товушларга бир дам кулок тутиб, бошини тебратиб, кулиб қўйди.

Саодат ёшлигида жуда чиройли киз бўлганди. Сочлари тақимини ўпарди. Тараганда шамшод тароқ ушлаган қўллари сочининг учигача етмасди.

Ярмини қисмлаб туриб, буёғини тарарди. Опаси бу сочларни кирқта қилиб ўрганда, яна шунчаси ортиб қоларди.

– Э, сочинг курсин! – дерди опаси. – Қўлларим толиб кетди, сочингни ўрдиришга одам ёллаш керак.

Кўчада амиркон маҳси-ковушни ғирчиллатиб, сочларини селкилатиб юрганда қараган ҳам қарарди, қарамаган ҳам. Ёш қизалоқлар орқасидан келиб, сочларини кўзига суртиб қочишарди.

Мана, йиллар ўтиб соч ҳам оқарди, сийраклашди-ю, барибир ўша узунлигича қолди. Учига бирор нарса тақмаса, хурпайиб, бўйни, елкаларини тутиб кетади. Шунинг учун ҳам у сочининг учига ўғри тутар сандикнинг калитини осиб кўяди. Сандикни очаётганда калитни ечиб олмайди. Сочи узун бўлганидан тиззаласа калит бемалол қулфга етади. Энди янги уйларга сандик урф бўлмай қолди. Ҳамма уйни пўрим жавонлар босиб кетди.

Бундан ташқари, қулфни даранглатиб очадиган калитларни ясайдиган усталар қолмаган.

Кампирнинг сочлари ҳамон ёшлигидагидек. Фақат ярмидан кўпи оқариб кетган. Орқасига ташлаб қўядиган, учи бирлаштирилган икки ўрим сочининг учига эрининг фронтдан олиб келган оғиргина медалини осиб қўйган. Тайёр илгаги ҳам бор, сочни пастга тортиб туради.

Ҳовлининг ярмига яқин жойга тангадек офтоб туширмайдиган қари тут барглари сарғая бошлаган. Қуриган шохига баҳорда илиниб қолган варракнинг қамиш қовурғалари скелетдек бўлиб турибди. Фақат узун латта думи шамолда илондек тўлғонади.

Шу тут тагида бир оппок ит супурги устида ухлаб ётибди. Кичкинагина, белида белбоғдек иккита – бири қора, бири жигарранг чизиғи бор. Худди кимдир атайлаб бўяб қўйганга ўхшаб кўринади. Тумшуғи билан икки кўзи қоп-қора. Бир кўзининг тепасида тўмтоқ қоши ҳам бор. У кампирнинг оёқ товушидан бир кўзини эришибгина очди-ю, чала ярим керишиб, яна уйқуга кетди.

– Ҳа-а, жонингни ҳузурини билмай ўл-а! Супурги-ниям ҳаром қилдинг.

– Қўй, уришма, опаси, Қоракўз ҳали бола-да!

– Нима деяпсиз, ойижон! Бу ит ўлгурга мен нега опа бўларканман?! – деди Қумрихон нолиб.

– Агар Қоракўзни яна супурги билан урсанг, унга косов отсанг, билиб қўй, укаларингникига кетиб қоламан.

– Вой, ойижон-эй, ит ўлсин, одамдан азиз бўлмай! Шу итни деб бизни ташлаб кетмоқчимисиз? Қўйинг-э!

– Шу билан овуниб юрибман. Қаёққа борсам, ёнимда. Бир қадам нари кетмайди. Менга айт-чи, укаларинг, сингилларинг ҳафтада бир хабар олса олади, олмаса йўқ. Касалхонада ётганимда шу итгина кўкрагини қорга бериб ҳовлида бир ой дераза тагида ётган. Сенлар кўни-қўшнининг қистови билан бир-икки хабар олдиларинг, холос.

– Ойижон, қўйинг энди... – деди Қумри норози бўлиб.

Итнинг бир қулоғида, бўйнида, оёқларида қон қотиб қолган эди.

– Аҳмоқ! – деди кампир. – Қаёқларда санқиб юргандинг?! Яна маржабозликка бордингми? Мажнун бўлмай кеткур! Аҳволингни қара, хотин таллашиб роса таъзиригнинг ебсан-ку! Э ўлмагин-а, шилинмаган жойинг қолмапти... Энди ўзингдан кўр. Мажнун, яраларингга дори суртаман. Илло, дод демайсан!

Қумрихон итнинг бўйнидан босиб турди, кампир яраларига йод сурта бошлади. Ит ғингшийди, ингиллайди. Қумрихоннинг қўлларини тишламоқчи бўлади.

– Ана, бўлди. Энди овқатингни берамиз. – Бир ойдан бери ўгли сурункасига кампирнинг тушига киради. На ётишида, на туришида ҳаловат бор. Ўғлини ўйлагани ўйлаган. Ёши саксонга яқинлашиб, куч-қувватдан қола бошлаган, боламини кўрмай ўлиб кетаман-ми, деб куйиб-ёнади.

Ўгли Бўрихон олтмиш еттинчи йили армияга кетган. Ҳарбий хизмати тугади ҳамки уйга қайтмади. Ўша ёкларда уйланиб, бола-чақали бўлиб, қолиб кетди. Баъзи-баъзида ундан “Я здоров” деган икки энликкина хат келарди. Яқин ўн беш йилдирки, манзилни унутиб қўйганми, ишкилиб, шу ўрисчагина хат ҳам келмай қўйган.

Кампир кўни-кўшниларникига ҳам чиқмайди. Уйда ўтиравериб кон бўлиб кетади. Баъзан кийимбошларини апил-тапил тугиб – ўғиллари ё қизларидан бириникига отланиб қолади.

Барибир борган жойида ҳам ҳаловат топмайди. Қизи Қумрихонни ўйлаб қайтиб келади. Қумрихоннинг бахти чопмади. Икки бор турмуш қилди, фарзанд кўрмади, қайтиб келди. Бирон жойда ишлаб овунай деса, ҳайҳотдек ҳовлига, мункиллаб қолган онасига ким қарайди. Ака-укалари, сингиллари: “Опа, қўй, ишлама, тирикчилигинг бизнинг бўйнимизда, онамга қара”, деб кўйишмади.

Кампирнинг ўғиллари, бизникида туринг, ойи, деб худонинг зорини килишса ҳам, отанг чиққан уйни ташлаб кетолмайман, мен ҳам шу уйдан чиқазиламан, деб кўнмади.

Кампир жуда доно хотин эди. Болаларим ҳафтада бир марта хабар олишса, етти кун уйим тўлади, албатта, улар курук келишмайди, шу баҳона Қумрининг ҳам куни ўтади, дея кадрдон уйдан жилмасди. Оналар шунақа – бахти чопмаган боласи билан бирга бўлади.

Ўтган йили ўтли-шудли, ҳар иш кўлидан келадиган невараси Анваржон, тоғамни топиб келаман, деб чиқиб кетди. Шу кетганча йигирма кун деганда дарагини топиб келди.

Бу гапдан хабар топган қўшни хотинлар кампирни кутлагани кирдилар.

– Бувижон, ташвишланманг, тоғамнинг ишлари “беш”. Рўзғори бут, тирикчиликдан ками йўқ. Учта боласи бор. Ўзи ўзбекчани эсидан чиқариб юборибди. Мен билан ўрисча гаплашди. Битта соғин эчкиси, тўртта канор қопдек чўчкаси, ўнтача чўчкачалари бор экан. Қиш забтига олганда шу молларини ҳам уйига опкириб олишаркан. Бўчка-бўчка самогон-ароқ ясаб, қиши билан ичишаркан. Қишлоқдагилар тоғамни “Бўрихон” демай, “дядя Боря” деб чакиришар экан.

Бу гапларни эшитиб, кампир ер ёрилмади-ю, кириб кетмади. Боласи тушмагур-эй, қўшни хотинларнинг олдида шу гапларни айтиб ўтирибди-я! Бировга сўзини бермайдиган эррайим кампирнинг шохи синди, остона хатламай уйда муқим ўтириб қолди.

Қачонгача чилла ўтираман, деб кампир бугун қизиникига отланиб қолди. Кампирнинг ниятини сезган Қоракўз остонага бориб ўтириб олди. Яқин бир ойдан бери ҳеч қаёққа бормаган Қоракўз ўзида йўқ шод эди. Бошини бир томонга эгиб ирғишлар, тезроқ чиқмай-сизми, дегандек, ҳар хил овоз чиқариб гингширди.

Кампир шошилмасди. Ўсма экилган бир бўйра ер олдида чўнқайиб, ўсмаларнинг серсув, бўлиқ барглари-ни тагидан кертиб узарди. Охири кафти ўсмага тўлгач, райхоннинг гул отмаган шохларидан синдириб олиб, ўсмага қўшиб дастрўмолига ўради. У қиз невараларига, келину қизларига албатта ўсма олиб борарди. Ниҳоят, кампир тугунни қўлтиклаб чиқди. Қоракўз ўтирган жойидан бир сапчиб кўча томон отилди. Кампир унинг кетидан бораркан, ҳой, мунча шошасан, секинроқ, деб жаврарди.

Қоракўз унинг гапига тушунгандек, кўча ўртасида тўхтаб орқасига қарайди. Кампир етиб келгунча яйраб қулогини қашлайди. Бир қулогини диккайтириб, биттасини шалпайтириб эркалик қилади. Орқа оёғида туриб

бир-икки айланади. Кампир етиб келиши билан яна ўйноқлаб югуриб кетади. Йўлда учраган мушукларни тирақайлатиб қувиб, ним қизил тилини осилтирганча хансираб қайтиб келади. Дарахтлардаги мусичаларга ирғишлаб акиллайди. Ариқдан шапиллатиб сув ичади. Баъзан йўл четига чиқиб, пахса девор тагини хўл қилиб қайтади. Велосипед миниб ўтган болаларга эргашиб узокларга кетиб қолади.

Кампир унинг қилиқларига андармон бўлиб йўл юрганини сезмайди. Қоракўз донлаб юрган товукларни қақағлатиб, тўрт тарафга тўзғитиб юборади. Йўлда учраган итлар билан искашиб, қувлашмачоқ ўйнайди. Кўча бетидаги уй остонасида тинмай акиллаётган каламушдек кучукни тупроққа қориштириб булғалади. Ариқ бўйидан кўпориб ташланган тўнғак соясида ётган бўрибосар итга ҳам зўрлик қилмоқчи бўлганди, таъзирини еди. Бўрибосар унинг гарданидан тишлаб, улоқтириб ташлади. Йўл ўртасига бориб тушди, тупроққа қоришди.

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

– Ҳой, жинни, сенга ким қўйибди отанг тенги ит билан олишишни!

Қоракўз унга қарай олмади. Йўлнинг бу ёғига маъюс алпозда, югурмай оҳиста кетди. Барибир Қоракўз итда, итлигини қилади. Бир қора итнинг думини хидлаб, очик турган эшикдан кириб кетди. Бир оздан кейин унинг вангиллагани эшитилди. Эшикдан чиқаётганда ичкаридан отилган эски туфли қоқ белига тушди.

Катта йўлга чиқишди. Бу йўлнинг ўнг ёғи Чирчиққа, чап ёғи Тошкентга олиб боради. Олдинлаб кетган Қоракўз, қаёққа юрайлик, дегандек, кампирга қаради.

– Абдумалик акангникига борамизми, Дилбар опангникигами? Дилбар опанг домда туради. Итдан ҳазар қилади. Сени уйига киритмайди. Энди нима қиламиз? Майли, шуникига борайлик. Ётиб қолмаймиз. Чиққунимча ҳовлида болалар билан ўйнаб турасан.

Қорақўз бу гапларга тушунади. Ҳар гал кўча бошига келганда албатта кампир шу гапларни такрорлайди.

Олисдан баланд иморатларнинг қораси кўринди. Қорақўзнинг сабри чидамади. Илдамлаб кетди. Кампир унга етолмай ҳаллослаб қолди. Қорақўз югуриб эмас, ғилдираб кетаётганга ўхшайди. Бир зумда кўринмай кетди.

Учинчи қаватнинг болохонасида ўйнаётган болалар Қорақўзни кўриб, бувим келяпти, деб қийқиришди. Тапир-тупур қилиб зинанинг икки поясини битта қилиб, пастга югуриб тушишди. Биттаси Қорақўзга конфет, биттаси сергўшт суяк берди. Бирпасда ҳовли болаларга тўлиб кетди. Қорақўзнинг бошини, орқасини силашди. У эркаланиб туриб берди. Болохонада Дилбархон кўринди. Онангиз келяпти, деган хушхабар олиб келган Қорақўзга меҳр билан боқди. Унга қанд ташлади.

Нихоят, ҳансираб кампир етиб келди. Болаларга курт, ёнғок, туршак улашди. Қорақўз ҳам умидвор бўлиб кўлига қаради.

– Сенга йўқ, бевафо! Мени йўлга ташлаб кетгансан. Орқангдан ҳаллослаб югуриб, тилим оғзимга сиғмай қолди.

Қорақўз гуноҳқорона бош эгиб турди. Кампир конфет ташлади. Қорақўз илиб олдию қувончдан ҳовлини шамолдек айланиб чиқди. Кампир қизи билан кечгача эзилиб гаплашди. Ўғлини эслаб кўз ёш ҳам қилиб олди. Қумрининг бетолелигидан, мен бир бало бўлиб кетсам, у шўрлик нима бўлади, деб афсус-надоматлар қилди. Гап орасида Қорақўз эсига тушиб, овқат-повқат бердингми, деб сўраб қўярди. Кампир аср намозини ўқиб, кетишга шошилди.

– Энди кетай, шом намозини уйгинамда ўқирман.

– Овқат қиялпман, ойижон, еб кетинг. Бир кечагина ётиб кетсангиз нима бўлади. Уйингизни бўри еб кетармиди!

Кампир тугунни қўлтиқлаб пастга тушди. Ҳовлида болалар билан яйраётган Қорақўзнинг кетгиси келмайди.

Болалар туфлаб улоқтирган калтакни ўтлар орасидан топиб келади.

Кампир йўлга тушди. Қорақўз эркаланиб, ирғишлаб гоҳ ундан ўзиб, гоҳ орқада қолиб қулоғини қашлайди.

Уйда Саодат аянинг йиллаб қалбида қалашиб ётган ғуборларини таркатадиган, кўксидан тоғдек босиб ётган армонларни ушатадиган оламшумул бир янгилик кутиб турарди.

У уйига яқинлашганда эшиги олдида у ёқдан-бу ёққа шошиб юраётган одамларни кўриб, юраги хапқириб кетди. Қадамини тезлатди. Эшик олдида турганлар унга, куллуқ бўлсин, севиниб қолдингизми, қариганингизда дилингизга ёруғлик тушгани муборак бўлсин, дейишарди.

Кампир ҳажга кетаётганларга пенсиядан йиққан пулларини “Ҳожи бадал” учун бериб юборган эди. Ҳаж қабул бўлди, деган хушхабар келган бўлса керак, ўзингга шукр, Аллоҳим, деб остона ҳатлади.

Шоҳига катта лампочка осилган тут тагидаги супада ёши олтмишлардан ошган бир нотаниш одам ўтирарди. Унинг кўзлари... бундан ўттиз икки йил олдинги Бўрихоннинг кўзлари эди. Кампир, вой болам, деб унга талпинди. Супага югуриб бордимми, учиб бордимми, билмайди. Бағрида ўғлини кўрди. Ундан ароқ ва шам ёқилган уйнинг хиди келарди. Кампир буни сезмасди. Ғойибининг ҳозир бўлганидан маст-аласт эди. Карахт эди, бахтиёр эди. Ўғлининг бошларига, елкаларига кўз ёшлари тўкиларди.

Ўғли унинг бағридан чиқишга уринар, аммо кампирнинг қоқ суяк, чайир қўллари уни бўшатмасди.

– Ну зачем, зачем плачеш, мама, вот и приехал, хватит, хватит, – дерди ўғли.

Она бу гапларни эшитмасди. Эшитганда ҳам барибир тушунмасди.

Кампир ҳушини йиғиб, боласини бағридан бўшатди. Серрайиб турган Қумрига:

– Нега бақрайиб турибсан, Раҳмон қассобни чакир, боламнинг оёғи тагига оғилдаги кўйни сўйсин! Қўш-нисиникида телефон бор, ака-укаларингга, сингилларингга, акам келди, деб хабар қил! – деди.

Қоракўз кампирнинг оёғи тагига ўтириб олган. Бу нотаниш одамга ғашлик қилиб тинмай ирилларди.

– Қаёқларда юргандинг? – деди кампир ўғлига. Ўғли онаси нима деяётганини тушунмай елка қисди. Тушунмадингми? Сен бошқа одам бўлиб кетибсан.

Кампир унинг юзларига қараб эзилиб кетди. Қариб, адойи тамом бўпти. Башарасига ҳам ўша томонларнинг нуқси уриб, ўзбеклиги қолмабди. Эллик бир ёшда етмиш яшар чол бўлиб қўя қопти.

Раҳмон қассоб аллақаяққа кетиб қолган экан, топиб келишди. Кўча томонда кўш машинанинг гуриллагани, ўғил-қизларининг овозлари эшитилди.

Абдумалик қўй етаклаб кирди. Қизлари, куёвлари картон кутиларда, халталарда мева-чева, олма-узум кўтариб киришди. Бир зумда ҳовли гавжум бўлиб қолди.

Бўрихон укаларини ҳам, сингилларини ҳам танимади. Улар ҳам буни танишмади.

Бўрихон бегона уйга кириб қолган одамдек ковушмай турарди. У укаларига, сингилларига нима дейишни билмасди. Тўғри, нима дейишни биларди. Аммо тил билмаса нима қилсин? Ўйлаб-ўйлаб, “Салям!” деди. Жигарлари кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай хайрон туриб қолишди.

Қассоб оғилдан каттакон, боқувдаги кўйни судраб чиқди. Бўрихоннинг оёғи тагига ётқизиб, укам, қани бир фотиҳа беринг, деди. Э, дарвоқе, ўзбекча билмаслигингизни эсимдан чиқарибман, қани, омин денглар, кампир энамизнинг умрлари узун бўлсин, ғойиблари ҳозир бўлгани рост чиқсин, омин!

Қассоб шундай деб кўйнинг бўғзига пичок тортди.

– Ну зачем, зачем? – деди Бўрихон. – Ведь барана жалько, все равно я столько мясо не ем! У нас баранина не едят.

То ярим кечагача кампирнинг ховлиси тўйхонага айланиб кетди. Таркаш пайтида Абдумалик акасини меҳмонга таклиф қилди.

Ҳовли жимиб қолди. Қумри она-болага супага жой солиб берди. Кампир боласига тикилиб мижджа қокмади. Бўрихон тўйгунича ичган эди. Оғзидан гуп-гуп ароқ хиди келиб турибди. Кампир рўмолининг учи билан бурнини беркитганча ўтирибди. Ростдан ҳам шу одам менинг боламми, деб ўйларди кампир. Қариб кетибди, сочлари тўкилиб, бошининг ярми яланғочланиб қопти. Кўп ичадиган одамлардагина бўладиган захил бир бефайзлик зоҳир эди унинг юзларида. Кўзларининг таги салқиган, тишлари тамакидан жигарранг тусга кирган. У отаси ўтган уйда, туккан онасига, жигарларига бегона бўлиб бепарво ётибди.

Саодат кампир уни чақалоқлигида худди шу супада бешикка белаб тебратарди. Уч ёшга киргунча шу супада бағрида олиб ётган эди. Бўрихон дўмбокқина бола бўлганди. Уни ёмон кўздан асрасин, деб кийимларига тумору кўзмунчоклар тақиб кўярди. Султонимга атаб унга кокил кўйганди. Олти ёшга тўлганда уни эр-хотин Туркистонга олиб бориб ҳазрат Яссавий мақбарасининг шайхига атаганларини бериб, кокилини кесдиришган, кўй сўйиб худойи қилишган эди.

Бўрихон у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Шунда... шунда унинг устидаги оқ чойшаб сирғалиб елкалари, кўкси очилиб қолди. Кампир баданидан чаён ўрмалагандек сесканди. Ўзини орқага ташлади.

Бўрихоннинг бўйнидаги занжир учида бут ялтиради. Кампирнинг кўзлари тинди. Бир дам уни шуур тарк қилди. Телбадек сапчиб ўрнидан турдию айвон томонга чекинди...

Бўрихон армия хизматини ўтагандан кейин ҳам уйга қайтмади. Ўрмон ичкарасидаги кишлок бутхонаси кўнғироқчисининг эрдан қолган кизига ошиқу бекарор бўлиб қолди. Қаллиғининг отаси, бошқа диндаги одамга қизимни бермайман, деб туриб олди. Қиз Бўрихонни христиан динига киришга ундади. Ишқ-муҳаббатдан кў-

зини парда босган Бўрихон ҳеч иккиланмай рози бўлди. Уни черковда чўқинтиришди. Кейин черков оқсоқоли келин билан куёвга тож кийдириб, никоҳ ўқиди.

Ана шундан кейин Бўрихон хотини, қайнонаси билан ҳар куни черковга бориб чўқинадиган бўлди. Қайнотаси ўлгандан сўнг унинг ўрнига черков кўнғироқчиси қилиб қўйишди. Нимаики иш бўлса, барини у бажарадиган бўлди. Пилиги сўхта бўлган шамларнинг учини қайчилайди, ёниб тамом бўлганларини алмаштиради.

1970 йилнинг кеч кузида бир мусулмон боласи диндан чиқди...

Оҳ, отагинаси тирик бўлганда шу супа устида болта билан чопиб ташларди-я! Кампир айвон томон тисарилиб борар экан, ана шундай ўйларди. У айвонга етолмай ҳушидан кетиб йиқилди. Қоракўз унинг атрофида олиб айланарди. Қумри ётган уйнинг эшигини тимдалаб, уни уйғотмоқчи бўлди. Қумри уйқусини бузганитни қарғай-қарғай ҳовлига чиқди. Қоракўз унинг этагидан тортиб, кампир ётган жойга судради. Қумри онасининг беҳуш ётганини кўриб кўркиб кетди. Қариб, муштдеккина бўлиб қолган онасини даст кўтариб айвонга олиб чиқди. Боши остига ёстик қўйиб, сув ичирди. Елкаларини уқалади. Кампир кўзини очди. Ҳали тонг ёришмай туриб, Абдумалик машинада келиб акасини олиб кетди. Унга Тошкентнинг мустақилликдан кейинги манзарасини кўрсатмоқчи, Чорсу бозоридан унинг болаларига совға-саломлар олиб бермоқчи эди.

Бўрихон учун Ўзбекистонда мустақиллик бўлдимиди, бўлмадимиди барибир эди. У ўзга юртнинг фуқароси, ўзга эътиқоднинг сиғиндиси эди. Туғилган юртга муҳаббат туйғуси уни тарк қилганига кўп йиллар бўлган. Она тили қадим-қадим замонлардаёқ унутилиб кетган Шумер тили қатори туманлар орасида қолиб кетганди.

Эрталаб кампир ҳеч нарса бўлмагандек ўрнидан турди. Қумри қараса, онасининг қолган қора сочлари ҳам бир кечада оқариб, ажинлари кўпайиб кетибди.

Кумри онасининг нега бунақа бўлаётганини билиб турарди. Боя акаси тонг ёришмай ҳовли этагидаги ёнғок тагида деворга қараб чўкинаётганини кўриб хайрону лол қолганди. Аёллар умуман титимсак халқ бўлади. Акаси Абдумалик билан ҳовлидан чиқиб кетгач, ичкари уйда турган чемоданини титкилади. Шунда сарик бахмалга ўралган бир нарсага кўзи тушди. Ушлаб кўрди. Қутичага солинган нарса тўппонча эмасмикан, деб бахмал тугунни ечиб қаради. У христианларнинг муқаддас китоби Инжил эди. Уни ушлаган кўллари куяётгандек шошиб яна бахмалга ўраб қўйди.

Кампир бомдод намозини ўқиётиб, ҳар саждага бош қўйганида жойнамозга кўз ёшлари томарди. У жойнамоз бурчагини қайириб, эрига атаб Куръон тиловат қилди. Бахти чопмаган Қумрига бағишлаб шу фариштагинанинг йўлини оч, деб Аллоҳга илтижолар қилди. Ғойибдан ҳозир бўлган ўғлининг номини тилга ҳам олмади.

Саодат ая шу боласига тўлғоқ тутаётганда офтоб чарақлаб турарди-ю, ёмғир шаррос куяётган эди. Деразадан ҳовлига қараб турган доя хотин: “Бўри бола-лаяпти”, деганди. Шунинг учун ҳам ўғлига у Бўрихон деб исм қўйганди. Орадан эллик бир йил ўтиб, бу бола-ни мен эмас, бўри тукқан экан, деган хаёлга борди.

– Ойи, кийинасизми? Абдумаликнинг машинаси ҳозир келиб қолади. Ўғлингиз тайинлаб кетган.

– Ўзинг боравер, мен шу ерда қоламан, – деди кампир.

– Ахир, акам, кечқурун поездга чиқади. Хайрлашмайсизми?

– Ўзи келган, ўзи кетаверади. Машина келса, чемоданини ташлаб қўй.

Бу уйга энди қайтиб келмасин, – деди кампир қатъий қилиб.

– Ойижон-ей, жуда қаҳрингиз қаттиқ-да! Бугун кетади, қайтиб кўрамизми-йўқми, болам-бўтам, деб кузатиб кўя қолсангиз нима қилади-я! – деди зорланиб Қумри.

– Бу болани мен эмас, бўри туккан... Бир марта дадам қани, деб сўрамади-я! Қандоқ ота эди-я раҳматли.

Кўчадан машина овози келди. Қоракўз ўкдек отилиб чиқиб кетди. Бир оздан кейин кампирнинг невараси Абдунабининг атрофида гир айланиб кириб келди.

– Ия, хали ҳам кийинмай ўтирибсизми? Уйимиз кариндош-уруғларга тўлиб кетди. Дадамнинг ўртоқлари ҳам келишган. Қани, бўла қолинглар!

– Мен бормайман, – деди кампир. – Қумри боради. Чемодан ўлгурни ола кетинглар.

– Ия, қизиқ бўлди-ку! Амаким бугун кетадилар-ку!

Кампир индамай уйга кириб кетди, кейин деразадан бошини чиқариб:

– Сен боравер, болам. Мен билан ўтириб кон бўлиб кетдинг. Жигарларинг билан бирпас ёзилиб келасан, – деди Қумрига.

Машина кетди. Кампир хайҳотдек ховлида бир ўзи қолди. Унинг кўксига аллақайдан келиб тушган бир парча муз кечадан бери эримай, вужуд-вужудини қақшатарди.

У уйга кириб тугун кўтариб чикди. Ундан Бўрихоннинг гўдаклигида, болалигида кийган кийимларини олиб қаради.

Илгари кампир баъзи-баъзида бу кийимларни ҳидлаб йиғларди. Энди кўксидаги муз уни йиғлашга қўймади. У ховли ўртасига хазон тўплаб гугурт чакди. Гуриллаб ёнаётган гулханга Бўрихоннинг кийимларини бирма-бир ташлай бошлади. Гулханда Бўрихоннинг болалиги ёнарди. Қоракўз гулхан атрофида айланар, гоҳ аланга тафтига чидолмай нари кетарди. Бир бўҳча кийим зум ўтмай ёниб кулга айланди. Шамол куйиндиларни ховлининг тўрт тарафига учириб кетди.

Қумрининг кўнгли бир нимани сездими, кўча бошига етмай машинадан тушиб қолди. Уйга келганда, онаси кафтини иягига тираб, қимирламай ўтирибди. Қоракўз унинг хаёлларига шерик бўлгандек, у ҳам олд оёқларига даҳанини қўйганча кўзларини юмиб, қимирламай ётиб-

ди. Кумри у ёқ-бу ёкка қаради. Ҳовлидан куйган латта ҳиди келяпти. Кўшнилاردан бирортаси эски-тускиларни ёндирыпти шекилли, деб ўйлади. Ҳовлининг супрадек жойи қорайиб қолганини кўриб хайрон бўлди. Яқин бориб қараса, қорайган ерда болалар кўйлагига қадаладиган ўн-ўн бешта қовжираган тугма сочилиб ётибди. Кумри нима бўлганини билди. Ичидан зил кетди.

– Ойи, – деди у, – нима овқат қилиб берай? Эрталаб ҳам ҳеч нарса татимадингиз. Бунақада толиқиб қоласиз-ку.

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

– Иштаҳам йўқ, болам. Ичим тўла муз. Танамга аста тарқалаяпти.

Кумри кўрқиб кетди.

– Кўп куйинманг энди, бўлар иш бўлди. Худонинг иродаси бу.

– Э, қизим-а, бола туғмагансан-да, билмайсан!

Кампир қизига ҳеч қачон “туғмагансан” деб айтмаган. Айтса, таъна қилаётгандек бўларди. Қизининг шундоқ ҳам дарди ичида. Бу гапни бегона айтса чидаш мумкинدير. Аммо ўз онанг айтса, юрагингни кимга очасан? Кумри онасининг гапини малол олмади.

– Фарзанд доғи ёмон бўлади, болам.

– Ахир акам тирик-ку, шукр қилмайсизми?

Кампир унинг гапини чўрт кесди:

– У йўқ энди!

Кампир сўзини охирига етказа олмай ёнбошига беҳуш йиқилди. Қоракўз безовталаниб сапчиб туриб кетди. Кумри онасини кўтариб, кўрпача устига ётқизди.

Эшик тақиллади. Қоракўз дарвоза томон югурди. Кумри онаси билан овора эди. Ҳовлига маҳалла мачитининг имом-хатиби билан мутаваллиси кирди. Кампирнинг аҳволини кўриб, бир-бирига қараб олишди.

– Қизим, – деди мутавалли, – бемаврид келиб қопмиз. Онахондан суюнчи олмоқчи эдик.

Улар айвон олдига келишди. Сўнгги нафасини олаётган кампирга:

– Онажон, кеча муборак хаж сафаридан кайтдик. Сизнинг хажингиз қабул бўлди, – дейишди.

Имом-хатиб Саодат аянинг “Ҳожи бадал” бўлгани тўғрисидаги хужжатни узатди. Кампир кўлини кўтара олмади. Кўзини аранг очиб, ўзингга шукр, Аллоҳим, дея олди, холос. У кизига бир нима демоқчи бўлган эди, тили калимага келмади.

Кумри унинг нима демоқчилигини билди. Югуриб уйга кирдию иккита оҳорли тўн кўтариб чиқди.

– Ойим шу кунга атаб саклаб юрган эдилар.

У шундай деб икковининг елкасига тўн ташлади.

Кампир икки кун шу алпозда ётиб, сал ўзига келган-дек бўлди. Тилга кирди.

Аслини олганда, унинг умри тугаган эди. Бу хушхабар унинг тугаб бораётган умрига умр улаган эди. Бу ҳол шамнинг ўчиш олдидан бир лоп этишига ўхшарди.

– Укаларингни, сингилларингни чақир! Васият қилиб кўяй. Сен қўрқма, қизим. Ўлим ҳақ. Бу жон дегани Аллоҳнинг тандаги омонати. Ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Пуф этади-ю, чиқади-кетади.

Кампирнинг болалари етиб келишди. Кумри онасининг орқасига ёстик кўйиб берди. Қатор ўтирган болаларига, невараларига қарар экан, кампир мамнунлик билан:

– Худога шукр, тобутим олдида борадиган ҳасса-кашларим кўп экан, – деди. – Эшитинглар, болаларим. Абдумалик, энди буларга сен ота ўрнида оталик қиласан. Кумри, қизим, энди сен менинг ўрнимга қоласан. Абдунабини шу ховлида уйлантиринглар. Йилимни кутиб ўтирмай тўй қилаверинглар. Шундоқ қилсаларинг, арвоҳим шод бўлади. Абдунаби келин билан Кумрининг олдида қолсин. Шу уй уники. Онам гўрида тинч ётсин, десанглар Кумрини асло ёлғизлатиб кўйманглар.

Кампирнинг лаблари куруқшади. Кумри пиёладаги сувга пахта ботириб оғзига томизди.

– Шошиб турибман, болаларим. Мени оталаринг олдига олиб кетишга келишяпти. Энди бугунги эши-

тинглар. Ҳамма тадоригимни кўриб қўйганман. Йилим ўтгунча бўладиган маросимларга етарли пулни Кумрига бериб қўйганман. Қизим, кулоғимдаги зирагимни, маҳси-кавушимни ғассолга бергин. – У энди айтмоқчи бўлган гапидан ийманди шекилли, жилмайди. – Азага келган хотинлар олдида хунугим чиқиб ётмайин, кошимга ўсма...

Кампир шу жилмайганча ичидаги муз эримай осонгина жон берди.

Ҳовлига тумонат йиғилди. Унга “Ҳожи она” деб жаноza ўқишди. Тобутни кўтаришаётганда Қоракўзни қабристонга бормасин, ёмон бўлади, деб қўшнинг хужрасига қамаб кетишди.

Кампирнинг кирки ўтгандан кейингина ховлидан одам оёғи товсилди. Эгаси кетиб файзи йўқолган ховлида Кумри ва Қоракўз мунгайиб қолишди.

Бир кун Қоракўзнинг миждаларида ёш кўриб Кумрининг юраклари эзилиб кетди. Қоракўзга қўшилиб у ҳам йиғлади. Аста қўл юбориб, унинг бошларидан силади. Олдин бу итни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Неча марта косов билан урган. Оёғи остида ўралашганда тепиб юборган. Қоракўз ҳам уни унчалик суймасди.

Ана энди икки мунглиғ бир-бирига қараб юм-юм ёш тўкишяпти.

Қоракўз энди кечалари дайдиб кетмай қўйди. Ҳар куни ҳали тонг ёришмай туриб (кампир бомдодга турганда) уйғониб кетарди.

Кампирнинг болаларидан иккитаси Тошкентда, биттаси Чирчиқда, иккитаси Қибрайда яшайди. У тонг отгандан то кун ботгунча ҳаммасининг уйига борарди. Кампирни тополмай, хориб-чарчаб қайтиб келади.

Бугун ҳам тонг саҳардан Қоракўз чиқиб кетди. Пилдираганча Чирчиқ томонга йўл олди. Кимёгарлар шаҳарчасида кампирнинг кенжа кизи туради. Ўғли магнитофон жинниси. Ҳамманинг овозини тасмага ёзиб юради. Шу йил баҳорда бувисининг овозини ҳам

билдирмай ёзибди. Ўшанда кампир супада ўтириб, аллақайларда дайдиб келган Қоракўзга танбех бераётган эди.

Қоракўз Кимёгарлар шаҳарчасининг энг чеккадаги “дом”га етиб келганда кампирнинг невараси шиша банкада сут олиб келаётган эди. Қоракўз унга думини ликиллашиб ялтоқланди. Унга эргашиб учинчи қаватга чиқди. Уйга кирмай қайтиб тушди. Бир оздан кейин кампирнинг овози эшитила бошлади. Қоракўзнинг кулоғи динг бўлди. Яқин икки ойдан бери йўқотган қадрдон кишисининг овозини эшитиб йиғлаётгандек ғингшиди. Қоракўз учинчи қаватга отилиб чиқди. Эшикни тимдалаб вовуллади. Яна қайтиб тушди. Болохонага қараб вовуллайверди, вовуллайверди...

Магнитофондан кампирнинг овози келарди.

“Қоракўзгина, қайларда санқиб юрибсан? Ҳеч уйда ўтирасанми-йўқми? Қорнинг ҳам очгандир? Тентаккина. Гапимга кулоқ сол, нега беозор мусичани қувасан?..”

Қоракўз акиллар, ерни тимдалаб орқасига тупроқ отарди. Шу ховлида кеча тўй бўлганди. Ширакайф йигитлар микрофонни баланд кўйиб, ҳеч кимни ухлатмаган эди. Уйкуга тўймаган одамларга тонг маҳали акиллаётган итнинг бу қилиғи малол келарди. Қутурган бу ит қайқдан пайдо бўлди, уни йўқотиш керак, деб ўйлашарди.

Қоракўз одамларни жонидан безор қилиб, тинмай вовуллар, у ёқдан-бу ёққа югуриб, акиллагани акиллаган эди.

– Дайди итларни тутадиганларни чақириш керак, – деди биринчи қават болохонасига чойшаб ёпиниб чиққан касалманд бир киши.

– Қутурган бу, болаларни тишлаб олмасин-да! Уни отиб ташлаш керак! Ҳой, кимнинг милтиғи бор? – деб асабий қичқирди учинчи қаватдан биттаси.

Кампирнинг овози ҳамон эшитилиб турибди. Қоракўз акиллашини кўймайди. Шу пайт тўртинчи қаватдан

кимдир варанглатиб ўқ узди. Қоракўз вангиллаб ёнбошига ағдарилди. Орқа оёғини бир-икки силкитиб жимиб қолди. Магнитофон тасмаси ҳамон айланарди.

“...Қоракўз ўлмагур, Мажнунгина, яна қаёққа кетясан? Маъшуқаларинг олдигами? Келинни қачон кўрсатасан? Лайлингни бир олиб кел, кўрай...”

Қоракўз кампирнинг овози келаётган болохона томонга юзини бурганча жонсиз ётарди.

1999 йил, январь

Мурод МУҲАММАД ДҶУСТ

ДАРВОЗА ЁНИДАГИ ИТ

Олапар тун бўйи ухламади. Бошини салгина кўтарса бас, миясида мислсиз оғриқ уйғонар, “лўқ-лўқ” уриб, чаноғини ёриб чиқадигандай бўлар эди. У тумшуғини ерга қўйиб ётаркан, оғриққа чидолмай, ора-сира увлаб кўярди.

Сахар пайти эди. Олапарни чап яғринидаги итчивин қаттиқ чақди. У кейинги оёғини узатиб, итчивин чаққан жойини қашлади. Ўрнидан кўзғалишга уринди, лекин биқини куйдиргудек бўлиб ачишди. У ёнбошига ағдарилиб, бир-икки силкинди-да, жимиб қолди. Шу вақт қаердандир ҳали думи кесилмаган итвачча югуриб келиб, Олапарнинг тумшуғини ялай бошлади. Унинг тили иссиққина эди... Олапар ҳузур қилиб ғингшиди... Кўп ўтмай, итвачча зерикди шекилли, ингичка думини биланглатганча, ўйноқлаб-ўйноқлаб нари кетди. Кейин у ортига қайрилди. Олапарнинг пойида ётган суякни кўриб, яна қайтиб келди. Итвачча бурун паррақларини кериб, ҳавони бот-бот ҳидлади. Олапарга суқатойлик билан тикилди. Олапарнинг қорни оч эди, лекин у шўх кучукчани қойишга эринди, суяк устида ётган оёқларини йиғиб олди. Итвачча беҳад севинди, миннатдорлик юзасидан Олапарнинг думини торткилаб ўйнади, сўнг суякка ташланди. Унинг тишлари нозик эди, қоқ суякни ғажишга кучи етмади. Итваччанинг ҳафсаласи пир бўлди, лекин суякни қолдиришга ҳам кўзи қиймади, уни кичкина жағлари орасига қистирди. Тезда жуфтакни ростлашдан ор қилди шекилли, гўёки Олапарни менсимагандай... хунук ириллаб қўйди-да, атайин чайқалиб-

чайкалиб уйчасига равона бўлди. Шу аснода барглари сийраклашган гужум шохидаги хўрозлар устма-уст кукулаб юборишди, сўнг ўзларидан мамнун бўлгандек, қанотларини осилтириб, “ку-ғук, ку-ғук”, – дейишди. Итвачча аввалига кўркди, жағидаги суяк “тап” этиб ерга тушди. У дарахт тагига келиб, кутилмаганда кичкирган беадаб махлуқларни кузата бошлади, уларнинг кўпам даҳшатли эмаслигини англаб, ярашиқсиз овозда акиллаб берди. Итвачча ниҳоят, тинчланди-да, уйчасига кириб кетди.

Атрофга сукунат чўкди. Олапар қимирламай ётганича хаёл сурарди. У онасини – узун елини осилган ювош итни эслади. Она ит қишлоқ четидаги харобазорда болалаган эди. У одамларга яқинлашмас, нуқул даштга чиқиб, совуқда ҳаром қотган жониворларнинг каллапчасини ташиб келарди. Олапарнинг иккита акаси ва синглиси бор эди. Улар чирик хашак устида қунишиб ётишар, аёз кучайган пайтларда она итнинг пинжига тикилишар, у бўлмаганида, яхлит қорамтир тепачага айланиб, бир-бирларини иситар эдилар. Ўша киш жуда совуқ келди. Кейин яна баҳор қайтди, илиқ кунлар бошланди. Баҳорнинг охирида она ит болаларига семиз илон опкелди, сўнг ўзи ўт-ўланлар устига ётди-ю, бошқа ўрндан турмади. Итваччалар қийналиб қолишди. Раҳмдил бир ўткинчи Олапарни уйига олиб кетди. Унга сут, ивитилган нон беришди...

Олапар ҳазин ғингшиди. Яна онасини, унинг мулоҳим нигоҳини хотирлади. Бундан таъсирланди чоғи, қаншари ачишиб, бадани саноксиз итчивинлар чакқандек қалтираб кетди.

Рўпарадаги сўрида нимадир шитирлади. Ит кўзларини очди. Устига наMAT ёпилган саватнинг бир томони кўтарилиб, ораликдан каттакон қора мушук сирғалиб чиқди. У сўрининг четига келиб оҳиста керишди, сўнг сакраб ерга тушди. Унинг тумшуғи қаймоққа беланган эди. Мушук Олапарни писанд қилмай, хунук миёвлаб

кўйди-да, тумшуғига илашган каймоқни ялай бошлади. У илгарилари Олапардан кўркар эди. Итни кўрганида хар туки игнадай тиккайиб, ўтакаси ёрилгудай бўлиб пихиллар, жонхولاتда гужум тепасига чикиб кетарди. Энди бўлса... Олапарнинг хўрлиги келди, мушукнинг сур бетини кўрмаслик учун кўзларини кайтадан юмиб олди.

Тонготарда итни уйқу элитди. У тушида онасини кўрди. Кейин уни хўжайин чакмонининг бағрига солиб, уйига опкелди. Унга сири кўчган сопол товоқчада сут беришди. Хўжайиннинг болалари суйиб эркалашди, унинг жажжи оқ-қора холдор панжаларини ўпиб, юзларига суркашди... Бирдан бу лаҳзалар ортга чекинди. Ит ўзининг кексалигини, гужум тагида уззукун қимирламай ётганини кўрди. Хўжайиннинг кенжа ўғли бир парча гўшт келтириб, унинг ялоғига ташлади. Олапар сурғалиб, идишга яқинлашди. У энди гўштни хидлаб турганида, уйдан хўжайиннинг хотини чиқди ва ўғлига бобиллаб берди:

– Нима, туянг қалъадан қатнаб ётибдими? Ху, гўшт сани кўр килгур! Яшшамагур!

Олапар чўчиб уйғонди. Кун чошгоҳга яқинлашган, куёш пастак девор устига минганди. Итнинг кўзлари камашди. У қулоқларини диккайтириб, атрофга қулоқ солди. Хўжайиннинг хотини мўрча тарафдан жавраб келарди. Олапар сергакланди: аёлнинг жаҳли чикса, аламини итдан оларди. Ҳозир у сербарг хашаки олмалар тагидан юриб келар, қўллари кир солинган тоғора билан банд эди. Ҳовлида болалар кўринмасди. Улар аллақачон мактабга жўнаган эдилар. Олапар гужум ёнидаги уйчага кўз ташлаб, кеча пешинда пайдо бўлган итваччани кўрди. Итвачча тунги ўлжаси – қоқ суякни зўр бериб кемирар, ахён-ахёнда Олапарга шубҳали қараб қўярди. Олапар ундан суякни тортиб олмоқчи бўлди. Энди жойидан кўзғалганида, итвачча суякни унутиб, уйга томон отилди. Эшик оғзида кўзлари уйқудан шишинқираган хўжайин турарди. Итвачча югуриб келишда хўжайиннинг тизза-

сига ёпишди, унинг оппоқ иштониға сўлагини оқизиб, ўзича муҳаббат изҳор қилган бўлди. Унинг қилиғи Олапарға ёкмади, у хўжайинни дунёдаги ҳамма итлардан, ҳатто хотинлардан ҳам қизғанарди. Олапар тийиксиз итваччани бўйнидан тишлаб, баланд супа устига иргитиб юборишга хезланди. Кекса танига ғазабли куч қуйилди... Лекин шу топда кутилмаган ҳол рўй берди: итвачча хўжайиннинг тиззасини қўйиб юбориб, аламиндан қалтираётган Олапарнинг бўйнига осилди, думини жилпанглатиб, унинг терисини тишлаб тортқилай бошлади. У ўзича: “Қўй, сен кўпам жаҳлланма... ахир мен шунчаки...” – демоқчи бўларди. Олапар бир зумда ҳовридан тушди. Итваччани озрок эркалатди, сўнг аста қулоғидан тишлаб йўлидан четлатди-да, хўжайинининг ёнига борди.

– Ҳа, Олапар! Оббо сан-эй... – хўжайин итнинг бошини силади. – Фигонинг чиқди-ёв... Ит деган мунақа жаҳлдор бўлмайди-да. Қўй, куюнма, ошна, у санга жўра бўлади.

Олапар унинг гапларини тушунган каби секин гингшиди.

– Хотин! Ҳой хотин! – чақирди хўжайин. – Бу Олапаринг оч қоптими дейман, қорни жа пучайиб кетибди. Кеча ялоққа қарамабмидинг?

– Худо урсин ўша гўрсўхтани! – аёл қўлидаги тоғорани тарс эткизиб сўрига қўйди. – Кўтара савлат, ит сиёғи йўқ! Кечасими нам бир марта вов демайди, гўрсўхта... Тунда сутни ичиб кетибди.

– Олапарми?! – хўжайин ёқасини ушлади. – Ёлғонни айтасан-ов, хотин! Вой, санинг ёлғон ўргатган пирингни!.. Кўрсам, нақ пўстагини қоқаман-а... Қачондан бери Олапар ўғри бўпти?

– Нима, ман Олапар дедимми? Анави Ҳамид ғалчанинг мушуги-да... Оқ мушуги бор-у, ўша сутни ичади-да... Мелихол буви бекорга дод-вой қиладими? Бир балоси бордирки, додлайди.

– Ўзингнинг қора мушугингни айт. Уям фаришта эмасдир-ов... – эътироз билдирди хўжайин.

– Ўзимники уйда ётувди. Кулоғингиз кар бўлган, кўрпангиздаги мушукнинг хуррагини эшитмайсиз.

– Ҳаҳ! Санам роса оласан-да, хотин! Намунча мушугингни авайлаб қолдинг? Асли хотинминам мушукнинг мижози бир. Мани айтди дема, муни Маҳаммат пайғамбаримиз айтган.

– Ҳе, ўлсин, шу мушугингиз!.. Хотинингизам ўлсин. Ҳаммасига манави Олапар, гўрсўхта айбли. Тун бўйи чўзилиб ётади. Шуям итми? Маъраканинг зийнати, ошу ноннинг офати. Турқиям ҳалиги очофат Расулга ўхшайди. Ҳе, ўлсин!..

– Ҳов, итга тил тегизма, хотин! Ўнта Расулинг Олапарнинг тирноғига арзимас. Бунинг ёшлигида бўри олгани ёдингдан чиқдимми? Билиб қўй, ит – вафо, хотин – жафо.

– Вой мани тукқан шўрлик энагинам! – хотин кутилмаганда хўнграб юборди. – Вой, ман ўлай! Ҳали сизга битта ҳаром итча бўлмадимми? Ман ўла-ай!..

Аёлнинг қаҳри келди. Қўлидаги кир совунни Олапарга отди. Ит ўзини четга олишга улгурди. Совун учиб келишда хўжайиннинг қоқ тиззасига тегди. Олапар сўри ортига ўтиб, асабий хотинга ачингандай... хийла маънодор қараш қилди. Агар хўжайин ҳам анчайин бо-сиқ бўлганида, эҳтимол, кейинги фалокатлар бўлмасди...

Эр-хотин мушук ичган сут жазасидан уришиб қолдилар. Улар ўзаро сўкишиб, уйга киришди. Ичкаридан сандиқ қопқоғининг тарақлаши, тахмондан олиниб, уй ўртасида отилган кўрпаларнинг гупиллагани эшитилди. Афтидан, улар рўзғорни ажрим қилишарди...

Орадан бир кумғон қайнагулик вақт ўтди. Жанжал ҳам тугади. Ора-сирада аёлнинг бурнини тортиб, ўксингани эшитиларди. Хўжайин уйдан хомуш бўлиб чиқди. У бошига эски кўк қийиқ боғлаган, эгнида қалин чакмон бор эди. Хўжайин қўлидаги кўшоғиз тасмасини елкасига соларкан, итни “маҳ-маҳ”, – деб чақирди. Олапар юрак бетламай унга яқинлашди. Хўжайиннинг ёғ босган кирза

этигини, милтикнинг совуқ қувурларини хидлаб кўрди-да, севинчдан вовиллаб кўйди. Милтиқдори ҳиди унга жудаям таниш эди... Ит тулкилар изғийдиган кирларни кўз олдига келтирди, димоғига бурганларнинг хушбўйи урилгандай бўлди..

Хўжайин дарвозани очиб, итни чақирди, унинг бўйнига чилвир боғлаб, аста-секин етаклаб кетаверди. Олапарнинг кўнгли ғашланди. Илгари овга чиқишганда хўжайин итнинг бўйнига чилвир солмас, уни ўз ҳолига кўйиб юбориб, йўл-йўлакай “Қаро кўзим...”ни хиргойи қиларди. Энди у жим... мум тишлагандай жим кетяпти.

Ит ва хўжайин икки чеккасида жийда, тиканли буталар ўсиб ётган сертупроқ йўлдан боришарди. Пахса деворли ҳовлиларда жимлик ҳукм суларди. Одамлар кишлоқ этагидаги полизга кетишган. Ҳосили йиғилган томорқаларда подадан қочган сигирлар макка илдизларини тортқилаб юришибди.

Улар йўлда почтачига дуч келишди. У мўйнаси тўкилган яғир телпагини қийшиқ қийган, қандайдир бир навони минғиллаб айтар, керакли ҳовлига тенглашганда эшагини бир зумгина тўхтатиб, хуржундаги газета, хат ва журналларни олар, уларни девор оша томорқа уватларига иргитарди. Почтачи хўжайинга салом берди, лекин хўжайин чиндан эшитмадими ёки жўрттага ўзини меровликка солдими, ишқилиб, саломга жавоб қайтармади. Почтачининг жаҳли чиқди. Палағда товушда қуртдаккина сўкиниб, ирғай халачўп билан эшагининг сағрисига туширди. Бечора эшак зарбдан чапга майинишди, “тап-тап” юрган кўйи йўл четидаги лойхандакка яқинлашди. Почтачи узангидан оёқларини чиқариб сакрашга шайланди, лекин эшак охириги сонияда ғаройиб бир чаптастик билан яна ўнгланиб олди ва жон аччиғида тупроқни тўзғитиб йўрғалай кетди.

Олапар ва хўжайин кишлоқ ўртасидаги сойликдан ўтиб, заранг йўлга тушдилар. Бу йўлнинг учи кафтдек

сайхонликка туртиб чиққан қирларга бориб тақалар, ўша жойда сўқмоқларга бўлиниб, кир ёнбағирлари, сойликлар бўйлаб, узокда кўкариб турган ясси тоғликлар томон югуриб кетар эдилар. Хўжайини сойликка элтадиган сўқмоқни танлади, шу сўқмоқдан ярим чакирим юрилгач, ўнгдаги янтоқзорни оралаб, жар лабига келдилар. Итнинг бўйнидаги чилвир анча узун эди. У жар деворига қияланиб кирган ним даҳанасимон чуқурга тушиб, у ердаги инларни бирма-бир хидлаб чикди. Сўнг пастга қаради. Жар тубида сел оқизиб келган тошлардан бошқа нарса кўринмасди. Олапар атрофни итлик идроки етгунича, хийла синчиклаб текширди, кейин “мени нега опкелдинг” дегандек, хўжасига боқди. Хўжайин ҳамон тунд эди. У итни ёнига чакириб, бошини силади. Олапар хўжасининг совуқ бармоқлари титраганини пайқади. Хўжайин чилвирни жар лабидаги бурган тупига боғлади. Сўнг йигирма қадамча нарига бориб, ортига қайрилди. Олапар хўжасининг ғалати қилиғини тушунолмади, олдинга талпинди. Лекин бурган пояси мустаҳкам эди, чилвир таранглашиб, итнинг томоғини бўғиб кўйди.

– Тек тур, Олапар!..

Олапар хўжасининг амрига бўйсунди. Чилвир салки тортди, итнинг тани ҳам бўшашди. Хўжайин елкасидаги кўшоғизни олиб, унга тўғрилади. Олапар буни ҳам тушунмади, бир жарнинг нариги қирғоғига, бир хўжасига кизиксиниб тикилди. Хўжайин тепкига бармоқ тегизди, лекин босишга журъат қилмади, чуқур ух тортиб, милтик кўндоғини ерга кўйди, дағал чакмонининг барини кўтариб, пешонасини артди. Сўнг яна итни мўлжалга олди. Энди бу ўйин Олапарни буткул маҳлиё этди; у хўжасининг тез-тез кўтарилиб тушаётган кекирдагидан кўзларини узолмай қолди.

Милтик отилди... Ит жар тубига учиб тушди. Олдаги чап оёғи қиррадор тошга тегиб, кирсиллаб синди. Узилган чилвирнинг бир қулочи бўйнига илондай ўрал-

ди. У оғрикка чидолмай, овози борича вангиллади, боши чирпирак бўлиб айланиб кетди...

...Олапар тумшугига тушган илик томчилардан хушига келди. Тепасида хўжайин чўккалаб ўтирарди. У итнинг мажруҳ оёғини авайлаб қўлларига олди. Олапар гингшимади, жағларини маҳкам қисиб, хўжасига каради. Хўжайин юм-юм йиғларди.

– Тегмабди...

У афсусланиб бош чайқади. Ўқ итга лат еткизмаган, табиий муҳофаза туйғуси ҳали милтиқ қузури олов пуркамай туриб, Олапарни жарга улоқтирган эди.

– Мани кечир, ошна... – хўжайин энгашди, юзини итнинг бошига тегизди. – Сани сиғдирмаса нима қилай?.. Биласан, ўша тунда бегона одамни тишлаганингдан бери ёмон кўради. Шунгаям беш йил бўпти. Иложим қанча, ошнам... Ўртада болалар бор, ажралиб кетолмасам... Мангаям алам қилади... Осон деб ўйлайсанми? Эҳ, одам бўлганингда ҳаммасини билардинг... Лекин бўлмаганинг маъқулроқ. Сан бир итсан, ўлишинг ҳам осонроқ... Энди кексайиб қолдинг... Ма, гўштни егин, – у белбоғини ечиб, бир парча гўшт олиб ташлади. – Санга деб ўғирлаб чиқдим... Энди шу ерда ўлақол, Олапар... Эртага ўзим кўмиб кўяман. Ахир уйга бориб нимаям қиласан?.. Сани хўрлашади...

Ит яна хушини йўқотди. Хўжайин уни ўлган фаҳмлаб, тепасида бир неча дақиқа мунғайиб турди, сўнг жарнинг қияроқ жойидан тирмашиб юқорига чиқди. Уст-бошини қоқиб, букчайган кўйи, тез-тез юриб, жар лабидан узоқлашди.

Олапар вақт пешиндан оққунча гоҳ хушёр, гоҳ беҳуш бўлиб ётди. Ташналикдан жағлари қуриб, карахтланди. У кўзларини очиб, жар лабига қўнган иккита зоғни кўрди. Тепада кўринган осмон парчасида тасқаралар тўдаси оҳиста сузиб юрарди. Ит куни битаётганини сезди, гўёки шу туйғуни қувламоқчи бўлгандек, чўзиб-чўзиб улиди. Зоғларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, кун-

ботарга учиб кетишди. Олапар бир амаллаб жойидан кўзгалди-да, жар деворига тирмашди. Мажруҳ оёғи зиркираб кетди, кўзларида ўт чакилди. У оғрикни писанд қилмай, тирноқларини созтупрокка ботирди. Лекин жар деворининг ярмига етмасдан дармони куриди, пайлари бўшашди, пастга гурс этиб кулади-ю, бошдан-оёқ сарғиш чангга беланди. Ит алаמידан аччиқ гингшиди, сўнг тақдирга тан бергандек, бошини куйи солиб, жар тубидан ҳақкалаб кета бошлади. Жарликдаги тошлар, тиканли буталар жунларини юлиб, баданини қонатиб юборди. Ниҳоят, оёқ остида нам кўринди. Олапар юришини тезлатди. Жарнинг куйи тарафи кенгайиб, олдинда кичик ботқоқлик пайдо бўлди. Ит ботқоқни қоплаган бесўнақай ялпиз поялари орасидан ўта туриб, беҳосдан булоқ ҳавзасига тушиб кетди. Булоқда сув мўл эди. Лекин ит чанқоғини босолмади, сувдан қон ва жуннинг қўнғирсиқ ҳиди келарди. Олапар ҳавзадан чиққан жилғани кечиб, тегирмон харобасигача борди. Бу пайтда қуёш уфқ ғуборига чўмган, қип-қизил шафак хароба тегирмоннинг қолган-қутган деворларида, боғдаги дарахтлар либосида ял-ял ёнарди. Ит чошгоҳда келган йўлига тушиб олди.

Пода қайтмоқда эди. Сигирлар ҳақкалаб келаётган Олапарни кўриб, таҳдид билан пишқирдилар. Кичик бир новвос пода ортида қолиб, итнинг йўлини тўсди. Кўзларини олайтириб, сузишга шайланди. Ит унга парво қилмади, сал чапроқдан юриб, ўз йўлига кетаверди. У уйга етгунча узоқ юрди. Иликкан итлар галасини, кўчага супуринди чиқариб ташлаётган кампирни учратди. Итлар унга дахл қилишмади, кампир бўлса, ҳокандознинг узун дастига суяниб турганича ғалати бош чайқади.

Олапар хўжайиннинг уйига келганида атроф қоронғи эди. Итнинг димоғига қовурдоқ ҳиди урилди. Ҳочқда ёнаётган олов шуъласи тамбаланган дарвоза ёриқларидан ерга тарам-тарам бўлиб тушарди. Олапар дарвозадан бериоққа ғужанак бўлиб ётди. Бир оздан

сўнг ичкаридан болаларнинг чуғур-чуғури эшитилди. Ит кулокларини динг килди.

– Ойи, ойижон! Борайлиик... – ялинчоклик килишарди болалар.

– Бор, боравер!.. Ўша итминам қўшмазор бўлинглар! – ўшқирди аёл. – Эртага отанг келсин, нақ гўштларингни ўйдираман!

Олапар сесканиб тушди. Яна ўша жарликка, яланг тошларга қайтиб боргиси келди. У энди ўрнидан турганида, дарвоза тамбаси шарақлаб, ҳовлидан хўжайиннинг ўғилчаси чиқди.

– Келавер, Банно, келавер... – у синглисини чақирди.

Болалар дарвозани ёпиб, коронғилик бағрига қўркаписа тиқилишди.

– Вуй, ака! Қая, Олапай! – қизча севинчидан кичқириб юборди.

Улар Олапарга яқин келишди. Бола итнинг бўйнидан кучоклаб олди.

Қизалоқ бўлса, унинг тумшуғини силар, хадеб “Олапай, Олапай...” – деб чулдирарди. Ит мажрух оёғини осилтириб тураверди. Болалар унинг ярадор эканини пайкашмади ҳам.

– Банно, ман совкотдим, – деди бола озрок ўтгач. – Қара, Олапаринг хўл экан... Ман кетаман.

– Кетма, ака. Озйок туйайлик...

– Ман кетаман, ўзинг қолавер.

– Бий ўзим қўйқаман.

Болалар салқиндан дийдирашиб, ҳовлига томон юришди. Қизалоқ дарвоза ёнида туриб, чақирди:

– Кий, Олапай, кийақол...

Олапар дарвозага яқинлашди, лекин болалар ҳарчанд тавалло килишмасин, ичкарига оёқ босмади.

Атроф жимжит бўлиб қолди. Олапар зах ерга чўзилди. Жароҳатдан анчагача азоб чекди, сўнг карахтланиб уйқуга кетди. Тушида хўжаси билан ов қилиб юрганмиш... Улар тоғ этакларига боришди. Янтоқ тупи

ортидан товушқон чикди ва ўнги сўлига карамай қоча бошлади. Хўжайин: “Чоп, Олапар! Чоп, ошнам, у сеники бўлади!” – деб кичқирди. Олапар товушқонни кувлай бошлади. Кутилмаганда товушқон бели ингичка қора мушукка айланди. Итнинг чандон ғазаби ошди, кучига куч қўшилди. Энди мушукка етай деганда, рўпарада чуқур жарлик пайдо бўлди. Мушук камалакдай эгилиб, нариги тарафга сапчиди. Олапар ҳам сакради, лекин у жардан ўтолмади, пастга тошдек қулади. Ит жар тубига урилиб, чилпарчин бўлишини кутаркан, вужуди борган сайин кичраяверди. Бирдан Олапар пар сингари енгил бўлиб қолди, сўнг тушдай шаффоф, беозор фазо қўйнида қайларгадир оҳиста сузиб кетди...

Баҳодир МУРОД АЛИ

ОҚТЎШ

Бостирма остида катта, қора ит олдинги оёғига жағини қўйганча ётибди. Унинг думи ва қулоқлари кесик. Тумшуғининг учи товуклар титавериб майинлашиб кетган тупроққа ботган. Кўзлари ярим юмик, гўё каттарок очишга мажоли йўк.

Ит кўринишдан ҳорғин, бепарво бўлса-да, тийрак қарайди. Унинг бутун диққати ҳашарчиларнинг айвондаги пойабзалларида. Пойабзаллар бор-йўғи тўртта: пойлари доимо оғиб турадиган, қўнжиси калта этик, боғичсиз икки жуфт туфли ва челак ёнидаги кеда. Булар итга бегона. Унга қарашлилари уч жуфт калиш. Калишлар ҳозир айвонда йўк. Тонг саҳар тарқалишади. Биринчи бўлиб Бека кигиздан патак солинганини сиргир томонга судрайди. Қиз янги калишни оёғига илиб, пахтазорга жўнайди. Учи салгина йиртилиб, қизғиш латтаси чиқиб қолган калишни эса Хўжайин хирмонга кийиб кетади.

Хўжайин аввал далага этик киярди. Оёғи шишиб кетиб калиш киядиган бўлди. Этиги улкан эди, қўнжилари узун, кенг эди. Ит кучуклигида болалардан қочиб, ана шу этик ичида неча марталаб жон сақлаган. У пайтларда итнинг кўксигади оқи билинмасди. Юнглари ҳозиргидек тимқора эмас, кизғиш, мушукникидек майин эди. Болалар тортқилашганида юлиниб ҳам кетарди.

Думи билан қулоқлари бус-бутун эди.

Кейинчалик қирқиб ўзига егизишган.

Хўжайин калиш киядиган бўлгач, этикка биров қарамади. Анча маҳал чанг босиб ётди, сўнгра қаёққадир

гойиб бўлди. Бу кутилмаганда юз берди. Ит айвонга чиққанида, этикнинг туравериби из бўлиб қолган ўрнига кўзи тушди. Шундагина этикнинг йўқолганини сезди. Исади, аммо қаерга олиб кетилганини билмади.

Шу-шу айвонда уч жуфт калиш қолди. Ҳашарчиларнинг пойабзаллари булар сафига яқинда кўшилган. Ўша куни ит кўнимини йўқотди. Қанча оёқ кийим кўпайса итга шунча яхши. Ахир, уйга кириб кетганлардан қоладиган бирдан-бир нишона шулар. Шулар ёлғизликни билинтирмайди. Бироқ ҳашарчиларнинг пойабзаллари дастлабки кунларданоқ пала-партиш ечиладиган, ҳатто ичкарига кириб кетадиган бўлди. Гоҳида қўнжиси калта этик билан кеда калишлар устига чиқиб қолади. Бу – итнинг ғашига тегаети.

Оқтўш Оқтўш бўлгандан бери уларникига не-не пойабзаллар келиб кетмади. Лекин ҳеч қайсиси буларчалик кўп туришмаган, бетартиб бўлмаган. Бундай меҳмонларнинг уларникига биринчи бор қўниши...

– Оқтўш!

Ит Беканинг овозини эшитиб, сапчиб ўрнидан турди. Бутун гавдаси билан силкиниб, юнгига ёпишган тупроқни туширди-да, эчкиникидек бўлиб қолган думини ликиллатиб югурди.

Бека тандирдан узиб ташлаган куйик нон иссиқ эди. Оқтўш бирданига оғзига ололмайдан норози вангиллади. Нон хиди иштаҳани кўзгаб шоширди. У оғзи куйганига ҳам кўникди. Бир-икки ерга тушириб бўлса-да, бостирма остига олиб келди. Остига яримта ғишт қўйилган устун ёнига ташлаб, курсиллатиб ея бошлади.

Ит оч эди. Тонгда кизни пахтазорга кузатиб келгандан кейин ҳам туз тотмаганди. Одатда йўлдан нимадир топиларди. Айниқса, ҳашарчилар келгандан буён гўшт, суюқлар, чала ейилган нон бурдалари учраб турарди. Бу гал ҳеч нарса йўликмади.

Оқтўш нонни еб битиргач, яланди, у ёқ-бу ёққа яна умидвор қаради. Кўзга илинадиган бирор нарса

йўк. Ноилож турди, олдинги оёқларига тираниб узун керишди. Устига шифер ёпилган уйчаси олдидаги ялоғига қаради. Куп-қурук. Яна яланди ва чанқоғини бостириш учун тунокадан ясалган товуклар сувдони томон лўкиллаб кетди.

Ит идишдан бош кўтараётганида маккажўхориси йиғиб олинган томорқадан нимадир яраклади. Ит зудлик билан у ерда ҳозир бўлди. Бўш шишани кўриб, бўшашди. Лекин бари бир хидлади. Бадбўй хиддан кўнгли ағдарилиб, бостирмага қайтди.

Ит нима ялтираб кўринса, албатта, ўша ерга боради. У қачонлардир чала ейилган консерва топиб олган. Ўша-ўша ялтироқ нарсаларни консерва фараз қилади. Томатли балиқларнинг мазасини туйиб бораверади, хидлайверади.

Оқтўш олдин бундай нарсаларнинг ҳидини ҳам билмасди. Хонадоннинг бисотини тинчгина кўриқлаб юрарди. Овқатни эгаларининг кўлидан ерди. Ўзга кўлга қарагулик қилмаган. Ҳаммаси ҳашарчилар келгандан кейин бошланди. Булар келди-ю. Хўжайин ҳам, хўжаликнинг тутуми ҳам ўзгарди. Тоза турадиган ҳовлида сигарет қолдиқлари, бўшаган шишалар, консерва қутилари пайдо бўла бошлади. Чироқлар кеч ўчадиган бўлди. Кирди-чикдининг меъёри бўлмай, хонадон оёқ остида қолди. Олдинига ит бу янги муҳитга кўниқолмади. Ҳашарчиларнинг уй-анжомларидан бемалол фойдаланишлари, турфа хил одамларнинг вақтибемаҳал кириб келаверишлари итга алам қиларди. Гўё ўзиники билан бегонанинг фарқи қолмаётгандек эди. Ким бўлса чақирмай-нетмай бостириб кириб келаверса, уларни киритмасликнинг иложи бўлмаса, бирор нарсани кўриқламаса итлиги қаерга борди бунинг?! Унга ҳам қийин эди...

Кун илиб, Оқтўшни пашшалар талай бошлади. Мудради дегунча кўзининг жияқларига, бурнининг тешиқларига кўнади. Ҳол-жонига қўймайди. Тоқати тоқ бўлган ит катта кўкиш пашшани пойлади. Рўпарасига

келганиданок, панжаси билан урди. Мўлжал хато кетиб, чанг кўтарилди. Ит алаמידан бошини иккинчи кўлига олиб, кўзини юмди.

Чанг босилгач, каергадир ғойиб бўлган кўкиш пашша яна визиллаб қолди. Оқтўш кўзини салгина очиб, пашшани киприклари орасидан кузатди, тумшуғига кўнишини кутди.

Пашша итнинг тумшуғига энди қўнмоқчи эди, улгурмади. Оқтўш оғзини очган кўйи унга ташланди. Пашша бу гал ҳам чап берди. Итнинг оғзига бошка бир чирков кириб кетди. У чирковдан қутулиш учун ютинди. Чирков эса ичкарига ўтмай танглайга ёпишиб қолди. Оқтўшнинг танглайи кичимсираб, йўталди, аммо оғзидан чирковни чиқаролмади. Тили танглайга етмади. Бошини сарак-сарак қилиб ғингшиди, қисқа-қисқа пишқирди, бўлмади. Ўрнидан туриб ғўзапоя ғарами томон чопиб кетди.

Ғўзапоя айвон ёнидаги ялангликка босилган. Ит пашшалардан безор бўлганида ҳамиша шу ерга келади. Айниқса, ғарамнинг моллар қашланавериб ёйдек ўрлатиб юборган томонида умуман пашша бўлмайди.

Оқтўш шу ерга келиб ётди. У ҳамон бошини силки-тар, ўкчир, олдинги оёқлари билан тумшуғини силаб, ночор ғингширди.

Ит чирковдан қутулганида, бека тандирдан иккинчи марта нон узди. У саватдаги нонни уйга ташлаб чиққач, ҳашарчилар ётган пардасиз хонани тақиллатди. Ичкаридан овоз бўлмади. Мушти билан урди. Эшик очилиб, остонада елкасига қора тўн ташлаган йўғон киши кўринди. Бу қўнжиси калта этикнинг эгаси эди. Бека унга куёшни кўрсатиб нималардир деди. Ҳашарчи бош силкиди ва оёғига этигини илиб, сахн четидаги газ балонига бориб ўтирди. Оғзини катта очиб эснади ва Оқтўшга кўзи тушиб, “ху-у-ут” деганча пўписа қилди. Ит унинг дағдағасидан норози тўлғанди. Аммо ўрнидан турмади.

Оқтўшнинг кимир этмаганидан дарғазаб бўлган “барзанги” тош кидирди. Буни пайкаган ит зипиллаганча ғарамнинг ён томонига ўтди.

Ит юрак олдириб қўйганди. Унинг авжини Хўжайин қирққан. Ҳашарчиларга хурди дегунча, ҳайдаб солди. Ҳатто бир гал мўйловли йигитни катак томонга ўтказмаганига учи синган ўроқ билан урган ҳам...

Пардасиз хонадан бошқа ҳашарчилар ҳам биринкетин чиқиб келишди.

Олдинда иккала кўзойнакли, ортидан мўйловли ёш йигит. Кўзойнаклилар қора туфлиларнинг эгалари. Кеданинг эгаси мўйловли йигит эса шўх. У ҳам кўнжиси калта этикнинг эгаси сингари тунлари уйда бўлмайди. Ундан ҳамиша бадбўй хид анқийди.

Олдинда Оқтўш, орқада елкаларига этакларини ташлаган тўрт ҳашарчи узун-қисқа бўлиб йўналганларида анҳор ёқасидаги йўл ҳувиллаб қолганди. Йўлда фақат теримчиларнинг ҳамда тонгда ўтиб кетган қишлоқ подасининг излари. Пахтазорда эса хирмондаги арава ва қакқайиб турган ҳашарчилар. Қишлоқликлар бош кўтармай теришаётгани учун кўзга ташланавермайди. Уларнинг бор-йўқлиги ҳам билинмайди.

Улар одатдагидек, Учтепа этагидаги чимзорга боришди. Чимзор пастқамроқда, кўтарма қилиб қурилган йўл, қишлоқ томонни тўсиб туради. Ҳашарчилар келасолиб ўтиришни бошлаб юборишди.

Оқтўш анҳордан чиқарилган лойка уюми устида чўнқайиб ўтирибди. Кўзлари дастурхонда, нимадир ташланишидан умидвор. У колбаса бўлинаётганда тинчини йўқотди. Бир-икки тамшанди, чапиллаб яланди. Яна тилини осилтирган қўйи бир текис нафас ола бошлади.

Оқтўш интилганча бор эди. У колбасанинг таъмини биларди. Юмалоклаб тайёрланган хуштаъм гўштни ит худди шу ерда тотиган... Дастлабки ташланган колбаса ёғлироқ эди. Ит ирганиброқ ялади. Мазасини тотиб кўргач, яна кутди, лекин улар бошқа беришмади. Зиёфат

охирида эса ёғлисини ҳам, ёғсизини ҳам Оқтўшга ир-ғитишди. Бироқ энди қоронғи эди. Кўпи исроф бўлди. Оқтўш ҳидлаб топганларинигина еди. Нечтаси анҳорга тушди, нечтасини топиб бўлмади. Аслида ҳашарчилар билан бригадир бу ерга тушдан кейиноқ йиғилишганди. Пода қайтганда туришмоқчи эди, бир-бирини тортишиб ўтириб қолишди. Бу орада мўйловли йигит қишлоққа бир тушиб чиқди. Нарсаларга кўз ўтмай қолганда, ўринларидан туришди. Шу-шу булар пахта теришмайди. Кунни чимзорда кеч қилишади...

Оқтўш ҳам улар билан бирга. Баъзида улар нишхўр-лардан ташқари катта-катта колбаса бўлақларини инъом қилиб туришади. Бугун негадир эътибор беришмаяпти, Кўнжиси калта этикнинг эгаси бошига тўнани қўйиб ухляпти. Кўзойнаклилар шахмат ўйнапти. Мўйловли йигит томоша қияпти.

Оқтўш уларни кузатишдан, кутишдан зерикди. Орқа оёғи билан калта қулоғини қашиди-да, Учтепа ортидаги пахтазорга қараб кетди.

Теримчилар яқинда бу қартадан чиқишгани учун атроф кимсасиз ястаниб ётарди. Шохлари синиб ён-ларига осилиб қолган ғўза туплари бебарг, бефайз. Бу мажруҳ қора чўпларнинг бир пайтлар гуркираб ўсганига ҳам, барг ёзиб гул тукканига ҳам ишонгинг келмайди.

Ит ана шу қора чўплар орасидан қуруқ барглари қисирлатганча босиб борарди. У майдонни қоқ иккига бўлган ариқчадан ўтиб, ғўзаси ола экилган жойда тўхтади. Қисқа-қисқа искади, пишқирди. Турган жойида айланиб қолди. У безовта эди.

Оқтўш бу ерга келганида тинчини йўқотар, баъзида узун-уzun увлаб ҳам оларди. Ит бу ерга ҳаётидаги унутилмас хотиротни туйгани келарди. У ўз хотиротини тиклаётганида кўз ўнгида оқиш паға-паға ранг пайдо бўлар, бу ранг бора-бора итга айланарди. Оқ итга... Секин-аста ўша Оқ итнинг оч жигарранг тумшуғи, тийрак кўзлари, бўйнидаги титилиб кетган чилвири, ихчамгина

жуссаси гавдаланарди. Кейинчалик ўша Оқ ит ортига қайрилиб, Оқтўшнинг кулоқларини пушти тиллари билан ялаётгандек, эркаланиб бўйнига бўйнини суйкаётгандек, юзларига илиқ, ёқимли нафаси урилаётгандек бўларди. Лекин бирданига гуриллаган овоз, димоғни ёргудек бад-бўй ҳид ёпирилиб келарди. Итнинг кўзи тиниб боши айланарди; кўнгли ағдариларди. Оқтўш шунда бу ширин ва аччиқ хотирот исканжасидан қутулиш учун ортига қайтарди.

Оқтўшга хотирот бўлган воқеа тундан бошланди. Улар кўп йўл босишди. Чарчоқ нималигини билишмади. Ҳамон югуришарди. Олдинда бўйнига чилвир боғланган Оқ ит. Ортида гала, гала. Гала тобора кўпайиб борарди. Оқ итнинг ҳидини билганлар келиб кўшилишаверди, кўшилишаверди.

Гала сувни кечиб ўтмай, канал ёқасидан йўл солди. Шунда Оқтўш пайтдан фойдаланиб гала бошига шудгор орқали кесиб чиқди. У ҳалитдан буён чилвирли итга ҳеч қайси итни йўлатмаётган Олапарга етиб борди. Уни кўкраги билан суриб, ўрнига ўзи ўтди. Олапар ириллади, аммо хужум қила олмади. Оқтўшнинг йўғон гавдасидан, ўт чақнаб турган кўзларидан ҳайиқди.

Энди Оқтўш Оқ ит билан ёнма-ён борарди. У Оқ итга янада яқинлашаркан, унинг кулоқларини беозор тишлади. Тумшуғи билан тумшуғига, бўйнига турткилади, искаланди. Кулоқларининг остини ялай бошлади. Шундай яладики, унинг мулойим майин юнгидан хузурланиб кетди. Оқтўшнинг иссиқ нафасига, гуркираб ураётган балоғат ҳидига чилвирли ит бардош бера олмади. Оқтўшга ён берди ва уни бошқалардан ажратиб эргаштира бошлади.

Шунда галада бесаранжомлик пайдо бўлди. Итлар тўхтовсиз ҳуриб, Оқтўшга хужум қилдилар. Улар Оқ итни кизганишмоқда эди. Хужумни Олапар бошлади. У вовиллаганча Оқтўшнинг орқа сонига ташланди. Бироқ тишлашга улгуролмади. Унинг ножўя ҳаракатини

пайқаган Оқтўш унга бостириб борди. Олапар ўзини ўнглагунча, Оқтўш унинг кулоғи аралаш бўйнидан тишлашга улгурди ҳамда уч-тўрт силтаб ёнига отди. Олапар гандираклаб туриб қолди ва акиллаб орқага тисарилди. Бу билан Оқтўшга ташланиш тараддудида бўлган бошқа илиққан итларнинг ҳам авжи кирқилди.

Оқтўш ер титиб ириллар, биронта итни чилвирли Оқ ит томонга ўтказмасди. Ўзи эса тислана-тислана унга яқинлашиб борарди.

Уларни бир неча итлар таъқиб қилиб келди. Кейин сийраклашаверди, сийраклашаверди. Битта-битта ортда қолаверди.

Оқтўш чилвирли Оқ ит билан мана шу ғўзаси ола экилган майдонга тонг отмай етиб келишди. Дуркун ғўзаларнинг барглари ҳўл, ҳаво салқин, муздек сувни симиригандек бадан-баданингни яйратарди.

Куёш Учтепадан мўралаганида уларнинг тинчи бузилди. Қовоқаридек ғўнғиллаган овоз келди. Бирданига овоз тобора яқинлашиб кучайиб борди. Улар талвасага тушиб қолишди. Қочишга улгуришмади. Осмондан улар томонга қанотларини кериб бир нарса бостириб келарди. Бу нарса жуда баҳайбат ва кўрқинчли эди. У еру кўкни ларзага солиб, борлиқни қар қилгудек ўкириб келарди. Оқтўш ҳар хил овозларга ўрганган, лекин бундай овозга илк бор дуч келиши эди. Осмондаги махлуқ бир зумда булар томонга шўнғиди. Келаётган бу фожиадан ҳамма нарса титрарди. Оқ ит дағ-дағ қалтирарди. Қалтироқ Оқтўшга ҳам ўтди. Улар кўркувдан овоз чиқаришолмасди. Шу лаҳзада махлуқ уларни босиб кетадиган даражада пастлаб, ҳайқирганча ўтиб кетди. Бу жуда тез рўй берди. Итлар уни тузукроқ кўриша олмади ҳам.

Ќўзалар бош тебратиб шовуллаб юборишгандагина, уларнинг гарангсигани тарқади. Вангиллашиб қочиб қолишди. Улар қаёққа кетишаётганини билишмас, фақат югуришар, тинмай югуришар, мана шу ваҳима қучоғидан қутулишса бас эди. Ўта нордон, бадбўй хиддан

Оқтўшнинг боши айланиб кўзи тинаверди, оёқлари чалкашди, жуфти ҳам шундай бўлмокда эди. Улар бутунлай бўшашиб, баданлари ўзларига бўйсунмай пир-пир учарди. Югураётгандек бўлишарди-ю, бадбўй ажал мухитнинг чети кўринмасди, уларни таъкиб этаётгандек эди. У сарсиз-сарҳадсиз эди. Ҳавога таркаган ҳид нафас олишган сайин бурунларини куйдирар, томоқларини шилиб юборгудек ачитиб, азоб берарди. Кун иссиқ, ғўзаларнинг барглари қалин, дим, ғир этган шаббода йўқ, ҳаво оғир, нафас олиш борган сари қийинлашарди. Уларнинг мадорлари қуриб, ҳолдан тойишди ва сербарг ғўзаларга суяниб, ётиб қолишди.

Оқтўш баданларига ботаётган ғўза новдаларини ва ўзининг ҳаёт эканини сезди. Сўнгра қаердандир ғўнғиллаган овоз эшитилди. Бу овоз ҳали ҳам икки-уч марта қулоғига элас-элас чалинганини туйди. Лекин буниси анча узоқдан келар эди.

Атрофдаги курт-кумурсқалар ҳаракатини тўхтатиб қотиб қолишган. Пашша, чивинлар, шалпайган баргларга осмондан ёғилгандек ёпишган. Жуфти — Оқ ит эса қаергадир ғойиб бўлганди.

Оқтўш бадбўй ҳидни сезмаётганига ажабланди. Тез-тез ҳидлаб кўрди. Билмади. Аммо ўзининг ниҳоятда вазминлашиб қолганини, бошини кўтаришга қурби етмаётганини сезди...

Оқтўш ўша-ўша бўйнига чилвир боғлаган Оқ итни бошқа учратолмади. Унга ўша кундан тез-тез бўлиб турадиган бош оғриғи ва ана шу унутилмас воқеа хотирот бўлиб қолди. Унинг ғўзаси ола экилган майдонда ҳар гал туядиган хотироти ҳам ана шулар...

Айвондаги кеда ҳар кунгидан олдинроқ ғойиб бўлди. Энди фақат кўнжиси калта этик қолди. Бу ҳам муסיқа тинмасдан қаергадир ғойиб бўлади. Итга ҳамроҳ бўлиб қоладиган пойабзаллар одатдагидек икки жуфт қора туфли, ўзига қарашли калишлар.

Уйлардаги чироклар сийраклашди. Дастлаб хўжайин билан беканинг хонасидаги, кейин қиз ётадиган хонанинг чироғи ўчди. Атроф қоронғилашди. Айвондаги чирок нурсиз. Мусиқа ҳамон авжида. Чигирткаларнинг чирқиллаши тинмаган.

Оқтўш ғўзапоя ғарами ёнида бетоб ётибди. Олдин оёқлари увушди, елкаларига, бўйнига ўтди. Бўғинлари қакшади. Секин-аста бошига оғриқ кирди. Бир лаҳза борлиқ қоронғилашди, ҳеч нарсани илғамади. Ғарам ёнига амаллаб етиб олди. Кейин нима бўлганини, қанча маҳал ётганини билмайди. Мана энди оғриқ енгиллашиб кўзини очди.

Қиз ётган хона томондан нимадир қисирлади-ю, ит оғриқни унутди. Ўрнидан туриб ўша томонга юриб кетди. Муюлишга етмасидан дераза очилди, ичкаридан қиз осилиб тушди. Оқтўш уни қаршилаб искаланди, эркаланди. У итга парво қилмади. Деразани сассизгина ёпди-да, қўлидаги калишини кийиб, оёқ учида уйнинг ортига ўтди. Хожанинг кийимлари бугун бошқача эди. Юрганида шитирларди, ёкимли бир ҳид таратарди. У авваллари тунда ташқарига чиқмасди. Чиққанида ҳам узоқ турмасди. Мусиқа эшитилаётган томонга қараб қоларди, кўпроқ тургудек бўлса, онасининг овози эшитиларди-ю, чуқур хўрсиниб, ноилож хонасига кириб кетарди.

Қиз ўйин майдонидагиларни тандир ёнидаги туйнукдан, Оқтўш эса маккапоя ғарами ёнидан кузатди. Ўйинчилар орасидан биринчи бўлиб кеданинг эгаси кўзга ташланди. Унинг узун бўйи ва қора мўйлови бошқалардан кескин ажралиб турарди. Хожа ҳар дамгидек унга берилиб қараб қолди.

Қиз ҳашарчилар келган кунданоқ шунақа эди. Уни тинимсиз кузатарди. Баъзан Оқтўшга тинчлик бермасди. Уни лойқа уюмидан қувиб, ўрнига ўзи чиқарди, чимзорга тикиларди. Ҳатто унинг дордаги ювилган кўйлаги остидан ўтаётганида ҳам тўхтар, юзларини кўйлакка бир зум тегизиб, суйкалиб ўтиб кетарди. Атрофда ҳеч ким

бўлмаса, айвондаги кедасини кийиб кўрарди, бир-икки кадам босарди ҳам.

Мана бугун терган ҳамма пахтасини чимзорга элтиб, шу мўйловли хашарчининг этагига ағдариб берди. Энди туйнукдан кузатяпти. Аммо мўйловли йигит Хожанинг унга интиклигидан беҳабар, у сочи қиркилган кизни бағрига сингдириб юборгудек кучоклаб, куй оҳангига мос тебранади...

Оёқ шарпаси Оқтўшнинг диққатини ўзига тортди. Дархол тандир томонга қаради. Хожа туйнукдан узоқлашиб, уй томонга кетаётганди. Ит унинг ортидан юрди. Хожанинг боши эгик, елкалари титрарди. Унинг бояги шашти, юришларидаги чакконлиги йўқ эди.

Улар яна уйларнинг орқасидан юришди. Оқтўш тракторчи қўшнининг уйи ортидан ўтаётганда тўхтаб қолди. Унинг димоғига таниш пойабзал ҳиди урилганди. Лекин қайси пойабзал ҳиди эканлигини ит билмади. Олдинга юрди, ортга қайтди. Ит искаб бораркан, Хожаси ўз хонасига кириб кетганини пайқамади. Ҳид кадам-бақадам янгиланиб борарди. Из ўзларининг ҳовлиларидан чиққанди. Ит изнинг ҳидидан адашмади. Ҳид уни айвонга, пойабзаллар турадиган жойга бошлаб келди. Пойабзаллар орасида кўнжиси калта этик йўқ эди. Оқтўш ортига қайтди. Ҳид тракторчи қўшнининг уйи орқасига келганда бирданига изсиз йўқолди. Атрофда дов-дарахт йўқ. У тумшуғини шаббода эсаётган томонга тутди. Ҳидни тутолмади. Аланглади ва деворнинг юқориқоғидаги деразага кўзи тушди ҳамда олдинги оёғи билан дераза раҳига тирмашди-да, искади. Таниш ҳид. Раҳда кўнжиси калта этикнинг изи бор эди. Ичкарига барзанги хашарчининг киргани шубҳасиз. Бироқ деразага оппоқ парда тортилган. Ичкари эса тимқоронғи, ҳеч нарса кўринмайди.

Оқтўш токчага чиқмоқчи бўлди. Лекин чиқишга курби етмади. Токчани фақат китирлатди, холос. Унинг тирноқлари бетон токчага ўтмай зирқираб оғриди. Ит норози ғинғиллади. Шунда ичкаридан қорароқ сояга

ўхшаш нарса кўзга илинди. У ғинғиллашини бас қилиб, сояга тикилди. Сўнгра яна таталади, интилди. Соялар куюкклашиб, аниқ бир жуфт сояга айланди ва дераза ой-насиға яқинлашди. Оппоқ парда енгил тебранди. Ит қаттикроқ таталаб, ириллади. Соялар бунга бардош беришолмади, секин узоқлашиб қоронғиликка сингиб кетди.

Оқтўш ноилож пастга тушди. Тез-тез бояғи изларни искади, дераза томонга қараб вингшиди, вингшиди, лекин вингшишдан ўзи қониқмади. У парда ортида қандайдир ёмон бир нарса бўлаётганини билди. Йўл томонга чўнқайиб улий бошлади.

Ит йўлга қараганча увлаяпти. Йўлда маржондек юлдузлар тизмаси боряпти (Улар аслида юлдузлар эмас, заводга пахта олиб кетаётган транспортларнинг чироқлари.). Юлдузларнинг бир жуфти уйнинг эгасиники. Ит шуларни ўзига чорлаяпти. Қанийди ўша бир жуфт юлдуз шу томонга бурилса, тезроқ бурилса. Ҳов анави дарахтнинг ёнига келганидаёқ қаршисига югурарди. Кўшни йигитнинг кабинадан эпчиллик билан тушишини кутарди. Оёғи ерга текканиданоқ этигига ёпишарди. Доимо мой ҳиди келадиган этигига. Маҳкам кучоқлаб оларди, вингширди, вингширди. Уйига тезроқ киришини, у ерда ножўя иш содир бўлаётганини, барча-барчасини билдирарди. Тезроқ бурилса эди, ўша бир жуфт юлдуз. Одатдагидек тонгга яқин эмас, ҳозирок бурилса, ғайрининг деразадан ошиб кирганини билса, бурилса, бурилса. Йўқ, бурилмайди, бурилмайди. Улар жимирлайди, холос, жимирлайди. Юлдузлар фақат жимирлайди, ўзларига чорлайди. Чорлаганингга келмайди, келмайди.

* * *

Ҳашарчилар кетганига ҳам мана анча кун бўлди. Улар кетди-ю, ҳаммаёқ ҳувиллаб қолди. Яна хўрозларнинг қичқирешлари, тунлари итларнинг хуришлари қишлоққа ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Ҳамма нарса олдинги

ҳолига қайтгандай бўлди-ю, Оқтўшнинг ахволи ўзгарди. У қаттиқ оғриди. Уч кундан буён туз тотгани йўқ. Ялоғидаги нон тўғралган сутга ҳам қарамади. Кўнгли ҳеч нарса тусамеди.

Дард бу гал кутилмаганда бошланди. Бадани умуман увушмади. Бирданига кўзи тиниб, оёқлари ўзига бўйсунмай қўйди, йиқилди. Кечга яқин хўжайин тўшакка солиб, уйчасига судраб олиб келди. Шу ётганча ётди. Кеча кечкурун кетмоқчи эди, кетолмади. Бу ерда қолиб ҳам бўлмас эди. У ниманидир яқинлашиб келаётганини ва шу нимадир уни олиб кетишини тобора аниқроқ биларди.

Чироқларнинг ўчишини кутди. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлгач, зўрға ўрнидан турди. ўрнидан туришга турди-ю, кўзи тиниб чайқалиб кетди. Оёқлар туриб берди. Ўзини тутди. Энди бутун гавдаси қалтирарди. Айниқса, тўрт томонга тиралиб турган оёқлар шундай қаттиқ қалтирардики, эгилиб, жуссани ерга тушириб юборадигандек эди.

Ит юрмоққа ҳозирланди. Ўнг оёғини ердан салгина узганди, мувозанати бузилиб, оға бошлади. У дарҳол оёғини жойига қўйиб, мувозанатни сақлашга улгурди. Ит тикка қолди. Аммо қалтироқ баттар авж олди. Дармонсизликдан тумшуғининг учини тер босди. Еру кўк чирпирак бўла бошлади. Оқтўш кўзларини чирт юмиб, оёқларига таянди. Бор умид оёқларда қолди. Афсуски, вақт ўтган сайин оёқларидан ҳам мадор кетиб борарди. Ит узоқ тик туrolмаслигини билса-да, ётмади. У кетиши керак эди. Яна олдинга қараб интилди. Бу гал ўзини ўнглаёлмади. Гавдаси оғирлик қилди. Чап томонга оғиб йиқилди ва хушдан кетди.

Тонгга яқин ўзига келди, туш кўрди. Тушига Оқ ит кирди. Оқ ит уни қаергадир эргаштириб кетарди. Оқтўш Оқ итнинг изларини босиб борарди, Излар, олдинги оёқларини орқа оёқлар такрорлайди. Яна тезлашишди, югуришди. Қадамлар ҳамон бир-бирини такрорлайди.

Улар чопишгандагина оёқлар бир-бирини такрорламай кўйди. Тўртгала оёқ ўз ҳолича туша бошлади. Улар учиб боришаётгандек чопишарди. Юнглари ҳавода силкинарди. Қадамларининг товуши эшитиларди. “Дукур-дукур, дукур-дукур, дукур-дукур”. Кейин бирданига оёқ товушлари жуда ҳам кўпайиб, тартибсиз ва каттикроқ эшитилди. Шундоқ қулоғининг остида дукурлади. “Дукур-дукур-дукур-дукур”. Ит уйғонди. Товуш ўнгида ҳам ердан эшитиларди. Оқтўш кўзини очди. Катакдан чиқарилган товуклар экин майдони бўйлаб югуришарди. Оқ хўроз қанотларини қокиб кичқирди, товуклар қанотларини керишди.

Шу пайт кўшнининг хўрози шитоб билан югуриб келди-да, товуклардан бирини қувиб кетди. Оқ хўроз кукулаб ер титиш билан овора эди. Бунни кўрмади. Оқтўшда эса бегона хўрозни қувиш истаги бўлмади.

У бу можарога бефарқ тикилиб ётаверди. Оқтўш ҳашарчилар келиб кетганидан сўнг кўп нарсалардан жудо бўлганди. Биринчи бўлиб эгалик туйғусидан, албатта. У авваллари қарамоғидагиларга ҳукмрондек бўлиб юрарди. Хонадон бисотига бегонани яқинлатмасди. Энди у ҳам оддий бир уй ҳайвони эканини, мана шу миясиз товуклардан, сузик кўзларини унга бақрайтириб турган сигирдан, бурни кертилган қора эшакдан ўзини фарқсиз бўлиб қолганини шу дамда чуқур ҳис қилди.

Товукларга дон сочиб бўлган Хўжайин Оқтўшга яқинлашди. Ялоғига назар ташлаб, рўпарасига ўтирди.

– Оқтўш, сенга нима бўлди?

Ит номини эшитиб кўзларини Хўжайинга тикди. Хўжайин унинг бошини силади.

– Касал бўлиб қолибсан-а? Қанийди, сен жониворнинг қаеринг оғриётганини билсам...

Оқтўш Хўжайиннинг раҳми келаётганини, лекин иложсиз эканини тушунди. Ит бу меҳрибончиликка бардош бера олмади. Кўзларига ёш қалқиди.

Хўжайин унинг бошини силади. Сўнг тиззаларига таяниб ўрнидан турди-да, оғир-оғир кадамлар билан уй томонга кетди.

Тушга яқин бека ювинди кўтариб келди. У ҳам итга ачиниб-ачиниб қайтди.

Оқтўш хожаси – қизни қоронғи тушгунча кутди, келмади. У негадир уч-тўрт кундан буён кўринмасди. Қаергадир кетган.

Бугун ҳаво кечагидан совуқ эди. Осмонда юлдузлар, хонадонларда чироклар милтираб қолди. Оқтўш энди йўлга тушиши керак. Агар бугун кетмаса эртага кеч бўлади...

Ит аранг ўрнидан турди. У секин ва бир текис юриб кетди. Ит аввал ҳовлини айланиб чиқди. Ўзи учун қадрдон нарсалар ва буюмлар олдида оз-оз тўхтади. Улар билан боғлиқ бўлган хотираларни эслади. Сўнгра йўлга чиқди.

Ит чимзорга келганида ҳарсиллаб қолди. Ётса туролмаслигини билди. Тик турганча нафасини ростлади. Бу ёғи энди шудгор. Қорайиб турган шудгорнинг устки қисми юпқа музлаган. Остки қисми эса юмшоқ. Йўлга қараганда шудгорда юриш оғир. Бунинг устига ер текис ҳайдалмаганди.

Оқтўш чуқурроқ ҳайдалган бир жойга келганида ўзини ўнглаёлмай қолди. Олдинги оёқлари бир зумда юпқа музламани синдириб тупроққа кириб кетди. Ит бор кучини тўплаб оёғини чиқарди-да, йўлида беҳол давом этди.

Оқтўш Учтепа ортидаги ғўзаси ола экилган жойга қараб борарди. Ҳозир ер ҳайдалиб, у жойни топиш мушкул эди. Аммо ит у ерни тахминан топиб борди. Бир дақика тупроққа беланган тумшуғини юқори кўтариб, ҳавони искади ва ҳаётида биринчи марта жағини қўлининг устига эмас, шундоқ музлаган кесакчалар устига қўйди.

Ҳаво совуқ. Осмонда юлдузлар бодрайди. Учтепанинг шундоқ устидан тухумнинг сариғидек ой балқиб турибди. Оқтўш эса шу ҳаётга ташна кўзларини тикканча ётибди.

Назар ЭШОНҚУЛ

БАҲОВУДДИННИНГ ИТИ

“...Шайх у гўзалнинг жамолини кўриш
умидида ёр кўчасидаги итлар
орасига кўшилди...”

“Мантиқ ут-тайр”

Ҳаммасига муҳаррирнинг инжиклиги сабаб бўлди. Аслида ташқи овозлару шовирларсиз ҳам радиопьеса тузуккина чиққанди. Унга актёрлар билан ойлаб сайқал берган, бастакор атайлаб пьеса учун мусиқа ёзган, мен ва ёрдамчим олти ой кечаю кундуз факат шу асар устида бош қотиргандик. Тушимиз ҳам, хушимиз ҳам шу пьеса бўлган, мана энди машаққатдан қутулдик деганда, муҳаррирда бирдан янги фикр туғилиб қолганди. Аслида бу фикр янги ҳам эмасди. Мен пьесага ишлов бераётганда ёки монтажда ўтирганда, агар табиий шовқинларни ҳам кўшсак, асар мукамал чиқади деб ўйлаган, аммо иш кўплигидан ва яна вақт кетишини билганим учун бу режадан воз кечиб кўя қолгандим. Энди эса бирдан муҳаррир биздан талаб қилиб қолди.

– Асар жуда яхши. Лекин биз танловда ютиб чиқишимиз учун бу ерга табиий шовқинларни кўшишимиз керак. Қушлар сайроғими, дарахтлар шовқиними, шамол, кўй-кўзиларми... умуман, асарнинг сахналарига қараб табиий шўх-шодон оҳанглар кўшиш керак. Пьесадаги қувноқ, хушнуд оҳангларга уйғунлашиб кетиши, бахтиёрлик ва хушанашинлик нафақат қаҳрамонларга, балки бутун табиатга хос эканини, табиат ҳам биз билан бирга ва у ҳам қаҳрамонларимизнинг икболидан қувониб, шўх

садолар таратаётганини кўрсатиб беролсак, мукофот чўнтакда деб ҳисоблайверинглар...

Бош муҳаррир танловга оз муддат қолганини билдириш учун оғиз жуфтлади-ю, аммо муҳаррирнинг «чўнтагингизда деб ҳисоблайверинг» деган аниқ ишончидан сўнг бирдан бош ирғади.

– Албатта, қилиш керак. Шунча маблағ сарфлангандан сўнг яна бир оз қийналсаларинг ҳеч нарса қилмайди. Харажат ошса, мукофотдан чиқариб оларсизлар. Аммо шошилиш керак. Вақт оз қолган.

Норозилик билдиришга ўрин қолмади. Шусиз ҳам бош муҳаррир радиопьесага сарфланган маблағ ошиб кетгани учун биздан норози бўлиб турганди. Унинг бу мукофотни қўлга киритишимизни астойдил истаётганидан фақат биз эмас, унинг ўзи ҳам манфаатдор эди. У пьесага бадиий раҳбар, табиийки, мукофотда унинг ҳам улуши бор эди.

Гарчи ёрдамчим билан мен энди ишни тугатдик деб турганда яна бошоғриқ бошлангани ёкмаётган бўлса ҳам эртасигаёк ишга киришдик. Биз олдин ўзимиздаги – радиофонддаги шовқинлар жамғармасини кўриб чиқдик. Шунда бу шовқинларнинг биронтаси ҳам ярамаслигига, биттаси ёзилавериб, хиралашган бўлса, бошқасида қандайдир сунъийлик борлигига амин бўлдик. Буларнинг биронтаси биз кутган хушанишинликни табиий тарзда акс эттиролмасди. Демак, шовқинни табиат кўйнидан ёзиб олишга тўғри келади.

Бунинг учун биз турли жойларни кўз олдимизга келтириб кўрдик. Масалан, шаҳарга туташ қишлоғу далалар. Аммо бу қишлоқларнинг ҳаммасида ҳозир дала ишлари қизғин, тракторларнинг шовқини тушиб қолади. Микрофонларимиз шунчалик сезувчанки, агар бошқа товушлар тушса, кейин тозалаб олиш амримаҳол. Бизга бири кўйиб, бири сайрайдиган, айна уйғониш фаслига хос бахтиёр ва кўтаринки шовурлар керак: у қушники ё дарахт-ўсимликникими, ҳашароту ариникими, фарки йўқ, саодат сасларини ўзида мужассам этган макон керак

эди. Шу сабабли кушлар шовқинини шаҳар четидаги эски хиёбонда ёзадиган бўлди. Шаҳарда уларнинг ихтиёрисиз бирорта гулнинг ҳам кўкаришга ҳаққи йўқ ободончилик корхонасидагилар негадир уни тартибга солишни унутиб қўйишганди. Шунинг учун хиёбонда дарахтлар шунчалик зич ва тарвақайлаб кетган, устига-устак, шаҳарнинг барча кушлари анча йиллардан бери арра товушини эшитмаган дарахтларга уя қуришганди. Ёрдамчим телефон орқали ободончилик маъмурияти билан олдиндан келишиб қўйди. Маъмурият эрталаб ўнгача хиёбонга ҳеч кимни киритмайди. Саҳардан соат ўнгача бир олам шовқинларни, дарахтми, кушлар чуғурими ёки ҳаётдан миннатдор бўлиб, уни ўзгартиришга астойдил бел боғлаган, ўз ўрни ва бахтини топганларидан ичларига сигмай ҳаммани бахтиёр қилгиси келаётган бизнинг пьеса қахрамонларимиз каби шўх-шодон эсаётган шамолми, ҳашарот овозими, ёзиб олишимиз мумкин. Бу таклиф бизга маъқул тушди.

Эртасига қуёш энди бош кўтараётганда ёрдамчим ва овоз режиссёри билан бирга бориб, микрофонларни хиёбонга ўрнатдик. Яқин-атрофда катта машина ва темир йўллари бўлмагани учун бу ер худди биз истагандек осуда эди. Дарахтлар секин шовуллаб турар, боғни кушлар чуғури қоплаган, гўё парранда аҳли одамлар бу ерга йиғилмасдан бурун бир яйраб қолмоқчидек, бор овозлари билан чуғурлашар, дарахтдан-дарахтга учиб, ўзига хос саодатманд сайроқилар хорини ташкил қилишганди. Баъзи-баъзида гулларга келиб қўнаётган ариларнинг ёки ниначилар ва сўналарнинг ғунғиллаган овозлари бу шовқинни бир пас босиб кетгандек туюлар, лекин бу ҳашаротлар овозида ҳам бизнинг пьесамизга мос уйғунлик ва кўтаринкилик бор, шу боис ҳаммаси табиий ва гўзал эди. Мен режиссёр сифатида ҳамиша ишлатилавериб, қолаверса, атайин техник жило берилган, бир оз сунъийлашган “Шовқинлар жамғармаси”даги овозлардан фойдаланганим учун бу ердаги овозларнинг

табийлигидан хайратланиб турардим. Шу пайтгача ортиқча иш кўпайганидан норози бўлиб юрган ёрдамчимнинг юзида ҳам табассум пайдо бўлди. У қушлар чуғурию, ҳашаротлар навоси, ўсимликлар шитирлаши, дарахтларнинг майин шовуллаши уйғунлашиб кетган, гўё биз яратган пьеса билан бахтиёрлик бобида бас бойлашгандек таралаётган табиатнинг мусиқий «пьеса»-сини берилиб эшитаркан, менга қараб кўяр, овоз режиссёрининг эса юзида мамнуният зухурланган, қушлар чуғури, дарахтлар шовқинидан илҳом олгандек, берилиб ишлар, ҳар-ҳар дамда магнитофонга қулоқ тутиб, овоз қандай ёзилаётганини эшитиб кўрар, ишидан қониқиб, бизга қараб кўярди. Осмонда оқ булутлар сузиб юрар, лекин бу булутлар ҳам кўм-кўк осмонга энди гард бўлолмаслигини билиб, секин тоғ тараф силжирди. Баҳор охирлаб қолган бўлса ҳам ҳали майсалар ям-яшил, дарахтлар гуллаб, хиёбонни гулу чаманга айлантириб юборганди. Ёрдамчим бекорга бу хиёбонни танламаганини энди сезиб турардим. Бу ерда бошқа хиёбонларда учрамайдиган мевали дарахтлар билан бирга ҳали тарошланмаган, тартибга солинмаган, ўн йиллардан бери ўз ҳолича шохлаб, гуллаб, эмин-эркин тарвақайлаб кетган дарахтлар ҳам бор эди. Эҳтимол, айнан шунинг учун қушлар бу ерни макон тутгандир? Бутун вужудимни қулоққа айлантириб овозларнинг қайси бири ариники, қайси бири қалдирғочники, қайси бири оддий чумчуқники дея ўзимча ажратиб олишга тиришиб, кўзларимни юмиб ётардим. Қушлар чуғури билан бирга яна қандайдир тушунарсиз сас ҳам элас-элас чалинарди. Лекин мен бу сас нималигини ажрата олмадим, у итнинг ҳам, бўрининг ҳам ёки бирон яқинидан айрилган жониворнинг изтиробли ноласига ўхшарди. Эҳтимол, бу шаҳарнинг хиёбонга ўрмалаб кирган ер ости йўллари шовиридир? Нима бўлганда ҳам бу сас қушлар шовқинига халал бермаётган, қолаверса, бу менинг қулоғимнинг шанғиллаши бўлиши ҳам мумкин эди.

– Бўлди, этади, – деган овоз эшитилди ёнимда.

Кўзларимни очиб, тепамда менга қараб турган овоз режиссёрини кўрдим. У аллақачон асбобларини ва магнитофонни йиғиштириб бўлган, энди кетишга тайёр турарди.

– Етади. Бу ерда сизга зарур овозларни икки марта қайта ёздим. Яна ўнта пьесага ишлатсангиз ҳам бу овозлар тугамайди.

Худди ғайришуурий лаззатдан бемаврид бебаҳра қилгандек, унга соатимни кўрсатиб, норозилик билдирмоқчи бўлдим. Аммо соат ўн беш дақиқаси кам ўнни кўрсатиб турарди. Яна ўн беш дақиқадан сўнг бу ерга қуёшдан қочган бекорчиларнинг ҳаммаси бостириб келади. Кетишдан бошқа иложимиз қолмаганини тушундим.

Биз хиёбон ўртасига келганимизда дарвозадан бир тўда қувноқ ёшлар кириб келишди. Ёшлар хиёбонга киришлари билан турли томонларга тарқаб кетишди ва бирдан боғда ўзига хос шодонлик бошланди. Радиокарнайлардан қувноқ ва шўх кўшиқлар, мусиқа, сотувчиларнинг чорловлари, чархпалак, ҳалинчакларнинг ғийқиллаши бирпасда хиёбонни тутиб кетди. Гўё хиёбоннинг биз боягина ҳис этган ва гувоҳ бўлган манзаралари, ҳар бир ўтирғичигача ўрнашиб қолган кушларнинг саодатманд чуғурлари, дарахтларнинг маҳобатли ва ғолибона шовуллашлари, бизга ненидир англатмоқчидек ҳашаротларнинг хиёбон узра шодон таралаётган наволари радиокарнайлар шовқинлари олдида бирдан ғойиб бўлганди. Бу нарса таъбимизни бир оз тирриқ қилса ҳам, начора, биз ишимиз битганидан хурсанд бўлиб, ишхонага йўл олдик.

– Сиз бу шовқинларни келишган сахналаримизга кўйиб чиқинг, – дедим мен трамвайга чикқач овоз режиссёрига. – Ёрдамчим ёнингизда бўлади. Мен бошлиқларни топиб, уларни тушдан кейин эшитишга таклиф қиламан.

Овоз режиссёри ва ёрдамчим бош ирғашди. Улар бу ишдан тезроқ қутулиб, бир-икки кун таътил олишни сўрашгани учун ҳам мен уларни шошилтираётгандим.

Тушдан кейин одатдагидек менинг хонамга йиғилдик. Бош муҳаррир оромкурсига яхшилаб жойлашиб олди. Кенгаш аъзолари бўлмиш қулоқлари оғирлаша бошлаган иккита кекса режиссёр эса магнитофонга яқинроқ ўтиришди. Муҳаррир одатдагидек бош муҳаррирнинг ёнидан жой олди. У ўзининг таклифи билан шунча ишлар қилингани ва ҳаммасига ўзи бош-қош бўлиб турганидан мамнун бўлиб, бир оз гердайиб турарди. Овоз режиссёри худди ишни дўндириб қўйгандек, эшик ортидаги курсида чой хўплаб ўтирар, рўмолча билан юзини елпиб, бизга "ҳозир мен яратган мўъжизани кўрасизлар" деяётгандай писанда билан қараб турарди. Ёрдамчим биз эрталаб боғда ёзиб олган шовқинлар билан бойитилган сахналарни қўйиб бера бошлади. Олдинига мен ҳеч нарса тушунмадим. Балки менга шундай эшитилаяптими деб ўйладим ва секин кўз остим билан бош муҳаррирга қарадим. Йўк. Қулоқларим алдамаётган эди. Бош муҳаррир ҳам негадир ҳеч нарса тушунмай, муҳаррирга ва менга савол назари билан қарай бошлади. Иккита кекса режиссёр эса қулоқларига қўлларини қўйиб, оғизларини ланг очиб туришарди. Ёрдамчимнинг эса дами ичига тушиб кетганди. У магнитофон тугмасини босишни ҳам, босмасликни ҳам билмай менга қараб, доводи раб қолди. Биз кўтаринки кайфият акс этиши керак бўлган ва табиатнинг шодон наволарига уйғунлашган сахнада қандайдир мунгли, мустар ва юракни эзадиган бир дардли, эрталаб хиёбонда қулоғимга элас-элас эшитилган сас-увиллаш эшитиларди. Мен ҳеч нарсага тушунмай ёрдамчимга қарадим.

– Бу нима?! – ниҳоят бош муҳаррирнинг қаҳрли овози янгради. – Бизни масхара қиляяпсиларми?

Ёрдамчим овоз режиссёрига қаради. Овоз режиссёрининг юзи гезариб кетганди. У ирғиб туриб, ёрдамчимга жаҳл билан тикилиб, у қўйиб бераётган тасманинг рақамига яқин бориб қаради. Кейин ажаблангандек, чўнтагидаги дафтарчани олиб, у ердан ниманидир, афтидан,

тасманинг рақамини излади. Кейин топди, шекилли, яна тасмага тикилди. Бирпас ҳеч нарсага тушунмагандек, безрайиб туриб қолди.

– Шу тасмага ёзгандик, чоғи. Аниқ шу тасма эди. Қизиқ... – деди у довдираб.

– Бизнинг бекорчи вақтимиз борми, – зарда қилди муҳаррир. – Аниқ шу тасмамиди?

– Ҳа, – деди ўзига ишонмай овоз режиссёри. – Шу эди... Яна ким билади. Балки адашиб...

У бизга узрхоҳлик билан қаради-да, шошиб хонадан чиқиб кетди. Унинг даҳлизда югуриб кетаётганини ҳаммамиз эшитиб турардик.

– Буларнинг хаёли жойида эмас, – деди бош муҳаррир норози бўлиб. – Мана шундан ҳам ишга бўлган муносабатни билса бўлади. Тасманинг рақамини ҳам адаштирадими эси жойида одам?

Ҳамиша ўзим билан ишлайдиган гуруҳнинг ёнини олганим учун у менга иддао қилиб гапирарди. Бу сафар унга қарши ҳеч нарса демадим: у ҳақ эди. Энг муҳим пайтда ёрдамчим билан овоз режиссёри мени уялтириб қўйганди. Бир оздан кейин бир кучоқ тасма кўтарган овоз режиссёри кириб келди.

– Мана, бугунги овоз ёзган ва монтаж қилган тасмаларим. Балки чарчаб, рақамни адаштиргандирмиз...

Шундай деб у бирин-кетин тасмаларни қўйиб кўра бошлади. Аммо у қўйган биронта ҳам тасмада биз кутган шовқинлар йўқ эди. Овоз режиссёри бундан баттар ажабланар ва довдирарди.

– Менга қаранг, – деди охири муҳаррир. – Сизлар эрталаб ёзиб келган тасмани қўйиб беринг. Бизнинг ўзимиз қайси шовқинларни қўйишни айтамыз. Қайтадан қўйиб чиқасизлар. Бу кетишда бизга бутун жамғармадаги тасмани қўйиб берасиз, чоғи.

Бу гап менга ҳам маъқул бўлди. Мулзам бўлиб ўтиргандан кўра эрталаб ёзиб олган шовқинларни қўйиб, қайси шовқинни қайси саҳнага қўйишни келишиш

осонрок эди. Овоз режиссёри маъкул дегандек, бир тасманинг устига каради-да, ўша тасмани магнитофонга қўйди. Энди буниси устимиздан бир челак сув куйиб юборгандай таъсир қилди. Тасмадан биз боягина пьеса сахналарида эшитган нола тўла увиллаш аниқ-тиник келиб турарди. Овоз режиссёри беҳол ўтириб қолди. Унинг юзлари оқариб, рангида ранг қолмаганди.

– Ахир эрталаб шу тасмага ёзгандик, бу шовқин қаердан пайдо бўлди?

– Балки охиrhoғига ёзгандирмиз. Айлантириб кўрингчи, – деди ёрдамчим умид билан.

Овоз режиссёри тасмани олдин бошига, кейин охирига қараб айлантирди. Аммо бутун тасмага ўша нола ёзилган, худди устимиздан кулгандек, қаерида тўхтатиб, тугмачани босса, ўша ердан эшилиб-буралиб, ғайритабиий нола чиқиб келарди. Бу шунчаки нола эмасди. Қандайдир табиатдаги жами ғамгин ва музтар товушлар, сайрашлар ва шовуллашлар уйғунлашган ўта ғамгин, дилни ўртайдиган, одамни ғамгин ва дилгир қилиб қўядиган, бизнинг пьеса-самизга мутлақо зид андуҳ тўла нола – эгасидан айрилган итнинг увиллашидай нола эди.

– Бу нима?! – энди ўрнидан туриб туюқиб кетди бош муҳаррир. – Сизлар бизни майна қилишга чақирдиларингми?

У кўпроқ менга кўзларини лўқ қилиб, важоҳат билан қараб турарди. Мен елкамни қисдим.

– Бугун эрталаб биз энг зарур шовқинларни ёзиб келгандик. Билмадим, нима бўлаяпти?

Шундай деб, овоз режиссёрига ва ёрдамчимга қардим. Улар шошиб қолишган, бир тасмани олиб, иккинчисини магнитофонга тиқишар, эшитиб, кутилган овоз келмагач, яна бошқасини тиқишарди. Ниҳоят овоз режиссёри чарчади. У бизга қарамай курсига ўтириб, ниманидир эсламоқчидек ўйга толди.

– Сиздан сўраяпман, нима бўлди? Яна тасмани ўчириб юборибсизларми? – бош муҳаррир студияда тез-

тез бўлиб турадиган вазият содир этилган, булар тасмани билмасдан ўчириб юборган деб ўйлаётган эди.

Овоз режиссёри унга жаҳл аралаш лаблари титраб билан қаради. У энди бошлиқдан ҳайиқмаётган, тўғрироғи, унга нимадир жуда қаттиқ таъсир қилганидан ўзига келолмаётган, энди йўкотадиган нарсаси йўқ одам каби терс ва кўпол бўлиб қолганди.

– Йўқ. Биз адашиб, ўчириб юбормадик. Агар ўчирсак, ёзиб келган иккала тасма турарди. Боғдан ёзиб олинган тасмага ҳам шу шовқин ёзилиб турибди.

– Тушунмадим, – дедим мен энди баттар ажабланиб. – Ярим соат олдин шовқинларни саҳналарга қўйдик, энди эшитсак бўлади деган сиз эмасми?

Овоз режиссёри кўзларини юмиб, қайта очди.

– Ҳа, шундай дегандик. Лекин кўраяпсиз-ку...

– Эрталабки тасма-чи?

– Эрталаб ҳар эҳтимолга қарши иккитадан тасмага нусхаси билан ёзиб олганман. Аммо иккаласи ҳам ўша увиллаш билан тўлиб турибди. Ахир бу увиллаш ҳам, яқин атрофимизда ит ҳам йўқ эди... Шунга ҳайрон қоляпман. Боя саҳналарга қўяётганимизда ҳам ҳаммаси ўз жойида эди. Буни ким қилиши мумкин, билолмаяпман.

Бош муҳаррир гапимиздан ҳеч нарсани тушунмаган бўлса ҳам аммо муроса қилгандек, уфлади.

– Мабодо эрталабдан ҳалқумни ҳўллаб олмаганми-диларинг? Балки, бу шовқинни кайф аралаш ёзиб келгандирсизлар?

Унга “туҳмат қилманг!” дегандек зарда билан қардим. У менинг ичкиликка ўч эмаслигимни, айниқса, эрталабдан ичиб олмаслигимни биларди. Шунинг учун мендан кўзини олиб қочиб, овоз режиссёрига таҳдид қилди.

– Етар. Тасмаларни топсангиз, топинг, бўлмаса, эртага қайтадан ёзиб келинг. Кейинги сафар ёнингизга бошқа овоз режиссёрини ҳам олволинг. Эҳтиёт шарт. Шусиз ҳам ишни чўзиб юбордиларинг...

Шу гапни айтиб, норози ва асабий қиёфада хонадан чиқиб кетди. Унинг изидан муҳаррир ва иккита кекса режиссёр ҳам хонани тарк этди. Биз энди тасмаларни олиб, шошилмай бирма-бир эшита бошладик. Аммо ёзиб келган шовқинлардан асар ҳам йўқ эди. Эрталаб шу иш учун атайин рақамлаган тасмаларда ҳам ўша мунгли, мустар нола-соҳибини йўқотган ит увиллаши эшитилиб турарди. Ким биз билан ҳазиллашган бўлса ҳам кўпол ҳазиллашган эди.

– Балким биз тушликка чиққанда кимдир ўчакишиб, устига ёзиб юборгандир? – деди ёрдамчим. – Кўролмайдиганлар қанча?

Овоз режиссёри бошини ирғади.

– Йўқ. Бўлиши мумкин эмас. Мен бу тасмаларни ўзимнинг сейфимга солиб, тушликка чиққандим. Биров қилиши мумкин эмас.

– Нима, сейфингизнинг калити бошқада йўқ деяпсизми? Одамларнинг сейфи очилмасдан пули йўқолаяпти-ю...

Мен уларнинг баҳсига қўшилмадим. Эртага эрталаб яна боққа боришимизни, қайта овоз ёзиб олишимизни ва ўзлари билан яна битта овоз режиссёри ва қўшимча магнитофон олишини тайинлаб, уйга жўнадим. Трамвайда кетарканман биз эшитган мунг қулоғим остида жаранлагандай бўлди. Қизиқ, мен шунча йил радиода ишлаб, овозлар ва мусика жамғармасини беш қўлдай бўла туриб, бундай увиллашни ҳеч эшитмаган эдим. Бу кимнинг ҳазили ёки ўчакишиши оқибати экан? Хаёлимдан мукофотга номзод бўлган бошқа студиядаги ҳамкасбларим бирма-бир келди. Аммо уларнинг бу даражада пасткашлик қилишларига ишонгим келмасди.

Эртасига биз яна ўша хиёбонда овоз ёзиб ўтирардик. Бу сафар овоз режиссёри иккита, ёзиш ускуналаримиз эса учта эди. Овоз режиссёри ўзи билан иккинчи магнитофонни ҳам олиб келганди. Биз яна ўша тонгги наботот, ҳашарот ва парранда овозларини – табиатнинг

улуғворлигини мадх этаётган, борлиқ билан уйғунлашиб кетган тириклик ва яратувчилик оҳангларини ёзиб ола бошладик. Мен кўзларимни юмиб ётарканман, бирдан кушлар ва хашаротларнинг қувнок овозлари остида кечаги тасмадаги увиллаш келаётгандек бўлди. Чўчиб, бошқаларга қарадим. Улар индамай ишини давом эттиришарди. Демак, кеча асабийлашганим учун кулоғимга эшитилаяпти деб ўйладим. Аммо бу сас энди менга аниқ эшитилаётган эди. Кушлар чуғури остида у бирдан кулоққа чалинмас, аммо бутун вужудингизни шу шовқинларга берсангиз, унда ана шу шодонликлар остида маҳзун увиллаш келиб турар, у бир йўқолиб, бир пайдо бўлар, гўё бахтиёрлик ва шодонлик билан баҳс бойлашиб, ютқизаётгандек эди. Мен ҳар эҳтимолга қарши чакалакзорга қарадим: у ерда биронта ит йўқмикин? Шунча меҳнатимиз яна зое кетса-я деган фикрдан кўз олдим бижирлаб кетди – назаримда, чакалакзор ичида қандайдир катта бир ит менга қараб, масхара қилиб, тилини чиқариб тургандек туюлди. Кўзимни юмиб очдим – итга ўхшаб хурпайиб турган шохга кўзим тушди-да, кулгим келди. Лекин мен ит увиллашини аниқ эшитдим. Бу итнинг увиллаши экани кундай аён-ку. У қанақа ит экан, бунчалик бағри хун бўлган?! Овоз режиссёрлари шовқинларнинг тиниқ ва аниқ ёзиб олинаётганига гувоҳ бўлиш учун кулоқларини ускуналарга тегизиб туришар, кейин мамнун бош ирғашарди. Демак, ҳеч қандай ғайритабиий нарсанинг ўзи йўқ. Менинг кулоғимга шундай эшитилаяпти, бунинг ҳаммаси кечаги можаронинг таъсири. Биз энди бу сафар ишимиз юришишга заррача шубҳа қилмасдик. Шунинг учун мен саҳналарга қўйилган шовқинларни эртага эшитамиз деб, хиёбондан чиқишда хайрлашиб, уйга кетдим.

Кечқурун ёрдамчим телефон килди. У жудаям ҳаяжонда эди.

– Айтсам, ишонмайсиз. Барча тасмалар яна ўша увиллашни ёзиб олибди. – У, афтидан, йиғламоқдан бери ҳо-

латда, у телефон қилаётган хонада овоз режиссёрлари бўлса керак, асабий овозлар келарди. – Келмасангиз бўлмайди.

Мен тезда кийиниб йўлга тушдим. Овоз ёзиш студиясида энди бошқа режиссёрлар ҳам йиғилган, муҳаррир ҳам шу ерда эди.

– Сира аклим етмаяпти. Бу қаердан келди? Ахир биз бошқа шовкинни ёзиб олгандик? – Овоз режиссёри асабий гапирарди.

– Балки бошқа каналга ёзгандирсизлар? – кимдир, менимча, муҳандислардан бири сўради.

– Ҳамма канални текширдик. Шу увиллашдан бошқа овоз йўқ.

Ростданам тасмалардан яна ўша – мунгли ва маҳзун нола – энг кизиғи, хиёбонда менга шундай туюлаяпти деган увиллаш келарди. Мен энди тонг қотдим. Ва гап тасмада ҳам, ёзиш ускунасида ҳам эмаслигини сезиб турардим. Хиёбонда менинг кўзимга кўринган ит аслида бўлган ва у ўша дарахтлар орасида туриб увилляпти, биз гарчи қанча уринмайлик, фақат унинг овозини ёзиб оляпмиз. Бу ерда қандай сир бор? У қандай ит бўлди? Унинг увиллашида бизни нимадандир огоҳ қилмокчи бўлаётгандек, сирли нола бор эди. Ускуналаримиз гарчи қушлар овозини ёзаётгандек туюлса-да, аслида қулоққа элас-элас чалинадиган ўша сирли увиллашни ёзиб оляпти. Нега? У қандай нола бўлдики, ўзига замонавий ускуналарни ҳам бўйсундириб, бизни масту музтар қилган оҳанглар ўрнига ғам-андух акс этган итнинг увиллашини тақдим этапти? У қандай ит? У қандай увиллаш, нола?

Муҳаррирнинг фиғони фалакка чиқди. У бир пайтлардаги келишмовчилигимизни эслади, чоғи, мени атайлаб шундай қияпти деб ўйлади. Менга бақрайиб тикилганча кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб кўрсатди:

– Сиз... сиз бу ишингиз билан жавоб берасиз. Бу билан нима демоқчисиз? Бу масхарабозликнинг тагида нима ётибди ўзи?! Ҳали тингловчига ит увиллашини қўйиб берасизми? Ит нега увилляпти? А?

– Мен ҳам шуни билмоқчиман, – дедим фавқулодда ўзимни босиқ тутиб. – Бу ўзи нима? Табиат бу увиллаш оркали бизга нима демоқчи? Менинг ҳам ақлим етмаяпти. Лекин бу жудаям ғаройиб нола. Буни атайлаб яратиб бўлмайти. Бу тайёр куйнинг ўзи.

Мухаррир менга нимадир демоқчи бўлиб, яна кўрсаткич бармоғини бигиз қилди. Унинг мусикадан умуман саводи йўқлигини эслаб, гапларим беҳуда кетганини сездим. У аксар ҳолларда эшиттириш матнини бериб, кейин режиссёрларга “Ўқилгач, бир тинғин-тинғир кўйиб юборинглар” дерди. Режиссёрлар “Аслида эшиттиришда ана шу тинғир-тинғирдан бошқа нарса ҳам йўқ, тингловчи фақат ўша тинғир-тинғирни эшитади”, деб изидан майна қилишарди. У режиссёрларнинг ўзига муносабатини билар, лекин улар билан гап талашиб, обрўсини кеткизмасди. Ҳозир ҳам ҳушёр акли бирдан ишлаб кетди. Заҳрини ичига ютди.

– Беш дақиқадан кейин бош муҳаррирнинг олдида учрашамиз.

У эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетди. Мен овоз режиссёрига қарадим. У елка қисди. Биз яна бир марта ёзиб келган тасмаларни эшитиб кўрдик. Барча тасмаларни ўша увиллаш босиб кетганди. Ёрдамчимга бу оҳангларни аудио тасмага кўчириб, ўзимга беришини тайинлаб, бош муҳаррирнинг олдига йўл олдим.

Эртасига бизни асарга безак беришдан четлатишди. Итнинг увиллашини ёзиб келганимиз учун бошимизга ит кунини солишмоқчи эди, аммо танлов яқин қолгани сабабли истисно қилишди: бошқа гуруҳ пьесага шовқинлар ишловини берадиган бўлди. Бизга ҳам айнан шу керак эди. Энди ғирт бекорчи эдим. Ёрдамчим ёзиб берган тасмадаги итнинг увиллашини яна бир неча кун эшитиб юрдим. Эшитганим сайин бу ит нега увилляпти, у кимни чорляпти, кимга нола қилапти деган ўй бутун фикру хаёлимни эгаллаб олди. Энди фақат нола қилаётган ит хақида ўйлар ва эртаю кеч кулоғим тагида

фақат ўша итнинг фиғони жарангларди. У қандай ит? Эгаси бормикин? Нега у бунчалик нола чекаяпти? Бир неча кунлик саволларимга худди ташландиқ боғ жавоб берадигандек, ўша итга ўхшаб хурпайиб олган шохлар орасида мени жавоб кутиб тургандек, хиёбонга йўл олдим. Куёш энди шаҳарнинг тоққа туташ қисмидан бош кўтариб келарди. Боғ қушлар ва паррандалар, умуман, тирикликнинг гўзал кўшиғига тўлганди. Мен яна ўша овоз ёзган жойга бориб ўтирдим. Майса ҳиди келарди боғдан. Шудринг ховурида димоққа урилиб, кейин қушлар чуғурига қўшилиб кетарди. Бу ерда ҳамма нарса бахтиёрлик, яшнаш ва уйғонишдан дарак берарди. Ғайритабиий нарсанинг ўзи, айниқса, бу атрофда итдан дарак йўқ эди. Унда увиллаш қаердан келаяпти? Қандай қилиб тасмаларга жойлашиб олди? Мен дарахтлар орасини, орқадаги, дала билан туташ, шаббалаб кетганидан чакалакзорга айланган дафназор ва тутзорни бирма-бирма кўздан кечирдим. Боғда шохлар орасини титиб юрганимни кўрган танишларим эсдан оғибди деб ўйлашлари мумкин эди. Қаердаки хилват ва ит бекиниб олиши, қаердаки ётиши, пусиши ёки уя қилиши мумкин бўлса, ҳамма жойни излаб чиқдим. Ҳеч қанақа ит йўқ эди. Унда увиллаш қаердан келаяпти? Ҳолдан тойиб, синиб ётган дарахтга ўтирдим. Худди телбалардай хиёбонни ахтарганим ўзимга нашъа қиларди. Шу билан бирга мен ўша сирли увиллашнинг тагига етишни истардим. Тин олмоқчидай кўзларимни юмдим. Атрофимни куршаган хушанишин чуғурлардан куч олиш учун бирпас уларнинг сеҳрига берилдим, кейин ҳар қандай товушлардан ўзимни узиб, яна ўша увиллашни эшитиш учун элас-элас келаётган шовурларга кулоқ солдим. Шу ҳолатда узоқ ўтирдим. Хаёлим орқали боғнинг мен ҳали етиб бормаган ичкарисига кириб кетдим. У ерларда анвойи гуллар гуркирар, ҳамма нарса ўз ҳолича ва ўз эркича ўсиб ётарди. Дарахтлар чиркинликни инкор этиб, янги барглар чиқарар, кейин тўкилган гуллар ўрнига янги ғунчалар

очилар, минглаб ранглар бокқа зеб бериш учун шайла-
ниб турарди. Бу ерда гўзаллик билан хунуклик, завол би-
лан яшариш, тубанлик билан юксаклик ўртасида кураш
кетарди. Бир маҳал кўзим илиндими, ё менга шундай
туюлдими, бирдан тасмаларда эшитган нола олдин се-
кин, кейин баралла эшитила бошлади. Салдан кейин мен
увиллашни аниқ эшитдим. Увиллаш бир олисдан, бир
ёнимдан эшитилар, кўзимни очиб қарагим, увиллаётган
итни кўзим билан кўргим келар, аммо бирдан ит ҳам,
нола ҳам йўқолиб қолса-чи деган хавотирда кўзларимни
очгим келмасди. Увиллашда мунис андуҳ бор эди. Ундан
дард, мусибат, изтироб, ғам-уқубат тараларди. Бу дардга
ва бу ғамга чидаб бўлмасди. Уни эшитган сайин шунчалик
дард кўпаяр, мусибат улуғлашар, ғам юракни тўлдирар,
йиғлагим келарди, аммо увиллашдан таралаётган хўрлик
олдида йиғи нима бўлибди деб ўзимни овутардим. Одам
қандай чидайди бу нолага деб ўкириб юборгинг келарди.
У ўзининг андуҳи билан сеҳрлар, андуҳи билан мафтун
қилар, мусибати билан жодулаб кўярди. Бу увиллашни
эшитган одам бошқа оҳангни қайта эшита олармикин?
Бу нола, бу маҳзунлик бошқа барча оҳангларни фош
қилиб, сохталаштириб кўярди. Нега мен шу пайтгача бу
андуҳни эшитмаганман, нега шу пайтгача бу мусибатдан
узоқ бўлганман? Нега бу нола ўзларини хушанишин
оҳанглар тагига яширди экан? Нега увиллаётган ит
одамлардан ўзини пинҳон тутяпти экан? Увиллашдаги
андуҳ таъсирида кўзларимдан юм-юм ёш оқаётганини
билардим. Йиғлаган сайин енгил тортар, янаям ўкириб
йиғлагим келарди. Йиғига ғарқ қилувчи бу нола қайдан
келаяпти, қайга кетаяпти? Нега у мени мунгга ва муси-
батга ошно этаяпти?

Эртасига ҳам, кейинги кунлар ҳам мен боғнинг
бир четида ўтириб, кўзларимни юмганча кунимни шу
ҳолатда, мусибат ва андуҳдан титраб ўтказдим. Мен
увиллаётган итни кўргим, унинг ғамига шерик бўлгим,
мусибат эзган бошини силагим келарди. Энди бир

умр бу ноладан ҳам, итдан ҳам айрилолмайдигандай эдим. Кўзларимни очганимда увиллаш йўқолар, юмиб олишим билан қулоғим тагида пайдо бўлар, мени ўз оҳангига олиб кириб кетарди. Увиллашда хўрлик ва ҳақорат тўла эди. Маҳкумлик ва мутелик, ожизлик ва зулм қоришиқ эди. Бу хўрлик билан одам яшаши мумкин эмасди. Мен кўзларимни очиб, “Қаердасан, нега мени бунчалик эзасан, кел, сени кўрай, мақсадинг нима?!” деб пичирлардим. Пичирлашим қулоғим тагида худди ҳайқириқдай садо берарди. Ўшандай лаҳзаларда мен бир нарсани билиб қолдим: кўзимни юмшим билан менинг ичимдан нимадир ташқарига отилиб чиқиб кетар, менга ўша отилиб чиқиб кетган нарса итдай бўлиб туюлар, аммо менинг вужудимда ит нима қилади дея бу шубҳани инкор қилардим. Астасекин боққа келишим билан вужудимдан отилиб чиқиб кетган шарпанинг итга ўхшашлигига ишона бошладим. Вужудимдан чиқиб кетаркан, кўкрагим ит панжалари билан тирналгандек оғриқни ҳис қилардим. Бир куни кўзимни юмганча, итнинг ноласи бошланишини кутиб турарканман, увиллаш шундай ёнгинамдан келаётгандай туюлди. Бейхтиёр, ўзим кутмаган шиддат билан кўзимни очдим. Сезгиларим алдамаган эди. Ёнимда қопқора ит турарди. Унинг жуссаси мен ўйлагандан кўра катта эди. Аммо кўринишининг ўзиданоқ бу итни ғам адо қилган деган фикр келарди. Унинг кўзларида мунг ва ҳасрат қотиб қолган, ўзи афтода, озғин, қовурғалари кўриниб ётар, оёқда зўрға тургандай туюлганди менга. Гўё бир неча кун эмас, бир ойдан бери туз тотмаганга ўхшарди. Ўрнимдан қимиллашга кўрқиб, уни кузатиб турардим. Ит ҳар доимгидай боққа одамлар кириб келгунча, шовқин бошлангунча увиллади, кейин секин чакалакзор орасига кириб кетди. Мен унинг изидан югурдим. У чакалакзордан чиқиб, деворнинг тирқишидан ўтди-да, шаҳарга қараб йўл олди. Девор ошиб тушганимда, у аллақачон одамлар ичига кириб, ғойиб бўлганди. Мен енгил тортдим.

Тирикчилик шовкини-ю ҳамиша думни ликиллатишга ундайдиган куй ҳамда шунга мос оломон билан тўлаётган боғда итни кўрганамдан ва уни топганимдан хурсанд эдим. Эртасига ит мендан ўзини олиб қочмади. У энди мени ҳар куни шу ерда кўриб кўникиб қолгандек эди. Ёнимга келиб, орқа оёқларига ўтирарди-да, осмону фалакка қараганча яна ўша ноласини бошларди. У нега айнан шу ерга келиб увилляпти, сира аклим етмасди. Аммо у ҳар доим бир пайтда бир жойга келиб увилларди. Итнинг менга қараб туришининг ўзидаёқ мунг ва ҳасрат бор эди. Эҳтимол, у ўзининг қанчалар афтода эканини билмас ҳам? Эҳтимол, ана шу ғариблиги билан бокқа келиб, эрта-ю кеч кўнгилхушликдан бошқасини билмайдиган такасалтанглару олифталарга нимадир ишора қилмоқчидир? Билмадим, аммо бир қарашдаёқ унинг нақадар ожиз ва мушфиқ эканини билиб олса бўларди. У ўзига ҳеч четдан қараб кўрганмикин? Ўзини бир марта бўлсин кузатганмикин? Бунча ғариб ва фақир бўлмаса вужуд дегани? Унга қараб бу афтода танани эзғилагинг, эзғилаган сайин таҳқирлагинг, таҳқирлаган сайин унинг оёқлари остида ўзинг таҳқирлангинг келарди. Унинг кўтир босган вужудида қандайдир сеҳрли бир куч бордай эди. Биз тезда бир-биримизга ўрганиб қолдик. Энди мен ҳам ит билан бирга девор туйнугидан эмаклаб, кўчага чиқар, кейин унинг изидан санқиб юрардим. Биргаликда шаҳарнинг шунча йиллардан бери бирон марта кўрмаган ғарибгина кулбалар, тўкилай деб турган масжиду мадрасалар жойлашган эски тор кўчаларини, қадимий қалъалару қасрлар харобалари қолган тепаликларни айланиб чиқардик. Анча кундан кейин мен итнинг ҳар куни бир хил йўналиш бўйлаб бир хил кўчаларни айланишини, фақат шаҳар четида қолган тор кўчаларнинг биридаги ўйма нақшларини йиллар ёмғири сидириб юбораёзган иккита дарвоза тагига чиқариб кўйилган егуликдан ейишини, яна ўша йўл билан изига — бокқа қайтиб киришини ўрганиб чиқдим. Ит шаҳарнинг

гуллаб-яшнаб ётган қисмига деярли бурилмас, бошка бирон жойдан егулик ахтариб умидвор ҳам бўлмас, йўлидаги дайди мушуклар ва санғи лайчалар ўралашиб юрган ошхона-ю базмхоналар олдидан индамай, бошини эгиб ўтиб кетарди. Суяк талашаётган лайчаларга бир кўз ташларди-да, йўлидан давом этарди. Агар ўша эски дарвоза олдида егулик бўлмаса, индамай изига қайтар, кун бўйи оч юрса ҳам, ўзини хўрак талашиб ириллашаётган лайчалар ичига урмасди. Шунинг учун унга егулик олиб кела бошладим. У мен кутгандай егулик деб думини ликиллайтиб, суйкалмас, минг бир мулозамат билан берган пишлоқ ёки бўтқани олдин роса ҳидлаб, кейин бир бўлак ер, қолганига эътибор ҳам бермасди. Менга у касалдай туюлди. Эҳтимол, шунинг учун у мана шу овлоққа маскан қургандир, эҳтимол танасидаги оғриқни енгиш учун нола қилар?! Ахир соғит хўракдан ўзини тияолмайди-ку. Шундай бўлса-да, уни ўзимга ўргатиш учун егулик олиб келар, увиллаш тугагач, биз биргаликда шаҳар айланардик. У менинг тасаввуримдаги итга ўхшамасди – камсуқум, ғариб ва устига-устак ўта қўрқоқ эди. Худди фил олдини тўсган қоплонлардек, дайди лайчалар олдини ҳуриб тўсса, улар билан талашиб ўтирмасди – улар нимани талаб қилса, ўша ёққа индамай бурилиб, бепарво кетаверарди. Унинг бирон марта тишини кўрсатиб, ириллаганини, бировга ёт қараш қилганини кўрмадим. Ундаги камсуқумлик ва озурдалиқ менга ҳам аста-секин юқа бошлади. Бир куни уни уйимга олиб кетдим. У мен билан кетишни истамади. Аммо унга қараб, ўзимнинг бор муҳаббатимни изхор қилиб, нималардир дедим. Аслида ҳам итга меҳрим тушиб қолганди. Уни энди ўзимдан айро тасаввур қилолмасдим. Озгина кўрмасам соғинар ва унга мафтун бўлиб қолгандим. У ҳис-ҳаяжонга тўлган гапимни тунгунгандай бир пас мулоҳаза қилиб, кўзларимга тикилиб турди, кейин изимдан индамай эргашди. Ўша кеча биз, тўғрироғи мен унга ўзим ҳақимда ҳикоя қилиб

бердим. Хаёлчан болалигим, изтиробда ўтган ўсмирлик, балоғатнинг алдов ва хиёнатлари, тирикчиликнинг мазахомуз куллиги, дўстликнинг жуда осон сотилгани, хаётнинг аёвсиз синовлари ва табиийки, эришилмаган мухаббат ҳам бу ҳикоядан четда қолмади. У менинг гапимни оёқлари устига тумшуғини қўйиб эшитиб ётарди. Кўп бора дўстлар билан бўлгандек ва кейин нега шуларга дардимни ёздим деб ўзимдан нафратланиб юрган пайтимдагидек, ҳикоя давомида у ухлаб қолмади. Аксинча, ақалли бирон марта ҳам мендан кўзини узмади, юммади ҳам. Унга гапларим ва ўтмишим таъсир қилди. Орада бир-икки менга ҳамдарддек хуриб қўйди. Сўққабозлигим иккаламизга ҳам қўл келди. Ит меникида қолди. Биз энди худди туғишгандай ёки ошиқмаъшукдай бир-биримизсиз туролмайдиган ҳолатга етгандик. Иккаламиз жимгина шаҳар кўчаларини кезардик. Иккаламиз ҳам сўзсиз, бир-биримизни тушунардик. Ишдан чиқиб, кечгача кўчаларни айланар, юзлари ўзини фош қилиб қўяётган бахтиёрликдан синиққан ва ташвишлардан гезарган издиҳом ичида бир-биримиздан кўзимизни узмай, одамларнинг бизга ажабланиб қарашларига парво ҳам қилмай, ёнма-ён кетганча сўзсиз-товушсиз сўзлашиб кетардик.

Бир куни мен бошқа томонимга ағдарилиб ётиш учун ўгириларканман, тўшагимнинг ярмида ётган жунли танага қўлим тегди. Чўчиб уйғониб кетдим. Қаддимни кўтариб караганимда ёнимда, ёстиғимнинг ярмига тумшуғини қўйганча ухлаб ётган итни кўрдим. Шундагина ит энди менга тўла ишонганини ва ит ҳақида нимани ўйласам, у ҳам мен ҳақимда шуни ўйлашини сездим. Беихтиёр қўлларим билан унинг жунларини силадим. Кафтларим энди дағаллашиб қурий бошлаганди. Этим жимирлашиб кетди. Назаримда бу яралар ўзимнинг танамда ва ўз танамни силаётгандай туюлди. Бу туйғу кейинчалик ҳам тарк этмади. Ҳар кеча унинг яраларини силарканман, худди ўз баданимни силаётгандай бўлар,

кимдир хаётнинг адолатсиз сўқмоқларида орттирган жарохатларимни силаб менга ором бераётгандай эди. Бу итга ҳам хуш келди, чоғи, у мен билан бир хонада ётишга ўрганди. Унга ҳар кеча итга ошно бўлмаган ва ит бўлмаган пайтларимнинг азоб-уқубатлари, чеккан андуҳларим, хасратларим ҳақида хикоя қилиб берардим. У энг оғриқли кечинмаларимни гапираётганимда гингшиб кўяр, хотирам билан бирга унинг ҳам жони азобланаётганини сезиб қолар, кўзларидан оқаётган ёшлар ёстигимни хўл қилар, баъзан эса мен у билан боғга бориб, унга қўшилиб увиллар ва увлаган сайин вужудимдан оғриқ ва уқубатлар ариб, руҳим янаям енгиллашиб бораётганини сезар ва беихтиёр кўнглимда нега мен бу лаззатдан шунча йиллар бебаҳра юрдим экан деган надомат пайдо бўларди. Мен шу увлаш орқали ўзимни ва атрофимни кашф қилаётгандай эдим. Ит кўпинча мени ишгача кузатиб борар, кейин қаёққадир, менимча, ўша овлоқ боққа кетар, ишдан чиқар пайтим кўча юзида кутиб турарди. Танишларим менинг ит асраётганимни кўриб ажабланишарди. Атиги бир неча ой олдин итни кўрса ижирғанадиган мендай келажаги порлоқ, ҳарқалай, бир силтов кам таниқли бўлиб қолган йигитнинг қандайдир кўринишиёқ одамда ёкимсиз ҳис ва ирганиш уйғотадиган касалманд ва қўтир ит билан яшашини тасаввур қилишолмасди. Буни менга ошқора айтганлар ҳам бўлди. Аммо менинг парвойимга ҳам келмади. Мен уларга сиз агар унинг увиллашини бир эшитсангиз эди, дегим келар, лекин бу гапимдан уялардим. Ахир итнинг увиллаши ҳам одамни сеҳрлаб кўйиши ёки одам ит ноласига ҳам ошуфта бўлиши мумкинми? Бу улар учун ғирт бемаънилик бўлиб туюларди. Шунинг учун уларга жавобан индамай кўя-қолардим. Менга уларнинг қулишидан кўра мана шу касалманд итнинг меҳрини қозониш афзалдай туюларди.

Бир куни тушлиқдан қайтишда даҳлизда менинг хонам олдида йиғилиб турган ҳамкасбларимни кўрдим — у ерда

худди тўполон бўлаётгандек эди. Қадамимни тезлатдим. Мени кўриб ёрдамчим қаршимга югурди. Унинг ранглари оқариб кетган, анчадан бери мени излаб юрган экан.

– Сизни бош муҳаррир хонангизда кутаяпти, – деди хавотир билан.

– Нима гап? Мукофотни бўлишяптими, – дедим хонам олдида бутун бошли жамоа йиғилиб олганига ишора қилиб.

– Йўқ. Кимдир сизнинг хонангизда ит ётганини кўрибди, – деди. – Бошқалар ҳам итни кўрган экан. Ҳаммаси гувоҳлик беришга йиғилишган.

Унинг гапи менинг кулгимни қистатди. Ҳамкасбларим ақлдан озганга ўхшайди деб ўйладим. Хонамга шошиб кирарканман, у ерда бош муҳаррирдан ташқари муҳаррир, яна хўжалик бўлиmidан ҳам икки киши борлигини кўрдим. Улар ниманидир шивирлашиб гаплашишарди. Бош муҳаррир қўлидаги рўмолча билан бурнини ушлаб турарди. Мени кўришлари билан жим бўлишди. Нима гап дегандай бош муҳаррирга ва муҳаррирга қарадим.

– Сиз ишхонага ит олиб келиш мумкин эмаслигини биласизми, – деди бош муҳаррир ўсмоқчилаб, худди мени айб устида қўлга туширгандай.

– Биламан, – дедим. – Бу ерга ит олиб келганим йўқ.

– Бекор гап, – деди хўжалик бўлимидаги калта киши. – Фаррошлар бир ойдан бери сизнинг хонангиздан ит ҳиди келаётганини айтишяпти.

– Бўлиши мумкин эмас, – дедим мен. – Мен ҳеч қачон бу ерга ит олиб кирмадим. Бу тухмат.

Муҳаррир бош муҳаррирнинг кулоғига бир нима деб шивирлади.

– Уйингизда ит асраётганингиз ростми? – деди бош муҳаррир салдан кейин.

– Рост, асраяпман... – дедим муҳаррирнинг яқинда уйимга борганда итни кўриб, остонамдан ҳам кирмай қайтиб кетганини эслаб, бор можарони шу олифга уюштирдимикан деган шубҳада.

– Унда сиз бизга тухмат қилаяпсиз, – деди бош муҳаррир.– Хуллас, гап шу. Сиз ё итни, ё ишни танлайсиз. Шу бугун ҳал қилинг. Шусиз ҳам ходимлар ишхонани ит ҳиди босиб кетгани ҳақида гап-сўз қилиб юришибди.

У гап тамом дегандай ўрнидан турди. У ҳамон қўлидаги рўмолча билан бурнини ушлаб турар, хонадаги хиддан ўзига келолмаётганди. Муҳаррирнинг ҳам бурни жийрилиб турарди. Фақат мен бу ерда ҳеч қандай ғайритабиий хид сезмасдим.

– Хонангизни ит ҳиди босиб кетибди. Шамоллатиш керак, – деди хўжалик бўлимидаги калта киши. Унга қараб заҳарханда қилиб кулдим. Бошлиқ биронтани тепса, булар бориб янчиб ўтадиганлар тоифасидан эди.

– Менга қаранг, бу тасмадаги ит увиллаши билан сизнинг ит асрашингиз-у мана бу хид ўртасида боғлиқлик йўқми? – сўради муҳаррир катта бир сирни очгандай. – Сиз бизни ит увиллаши билан мазах қилганингиз етмагандай энди итни хонангизга ҳам киритиб олиб, ишхонани итхонага айлантираяпсизми?

Мен индамадим. Уларга гапириш бефойдалигини билардим. Йўлакда можаронинг қандай яқун топишини кузатиб турган томошаталаб ҳамкасбларимнинг юзида ҳам муҳаррирнинг гапини тасдиқлашаётгани билиниб турарди. Эртасига мен кимни танлаганимни айтиб, итим билан боққа йўл олдик.

У ерга бориб, итим увиллар, кўзларимни юмиб, мен ҳам увиллар, увиллаш билан танамни боғда қолдирганча, увиллашдаги мусибатга қўшилиб, олис-олисларга, ўзим ҳам англамаган, гўё ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлиб туюлаётган олисларга кетиб қолардим. Нола мени энди ҳали яхлит бўлган руҳнинг жилваларга қараб бошлаб кетарди. Ҳали ҳеч нарсага исм ҳам, ном ҳам берилмаган ўша ерда мен итим билан яна юзма-юз келардик ва шундагина биз битта вужуд эканимизни сезиб қолардим. Энди боққа келган пайтларим ичимдан чикқан ва қайтиб кирган нарса итлигига сира шубҳа қилмасдим. Ўша

дакикаларда бўлакларга бўлиниб, бир қисмим итга айланиб кетганини билардим. Увиллаш мени бўлаклаб, боғнинг турли бурчакларига сочиб ташлар, кейин яна ит қиёфасига киритиб, секин бир жойга йиғар ва яна сочиб юборарди. Шунда бутун ҳаётим ана шу сочилиш ва йиғилиш орасидаги бир лаҳза эканини ҳис қилардим. Ит мени сочиб юборар экан, мен машаққатлар билан турли томонга адашиб – улоқиб кетган ўзимни йиғиб келардим, у эса худди мен билан ўйнашаётгандай яна сочиб юборарди. Тарқоқ ва тарвақайлаган ҳолатда вужудимни тариқдай сочиб юбораётган кучни кўрмоқчидек, итга қараб: “Кимсан, мендан нима истайсан, сен ит, нега ичимга кириб олдинг?!” – деб шивирлардим... Эҳтимол, у ҳам менга шундай деб тикилаётган ва сўраётгандир? Биз юзма-юз турганча бир-биримизнинг кимлигимизни аниқлашга уринардик. У менга қанча боғланиб қолса, мен ҳам унга шунча боғланиб борардим. Биз энди бир-бирига тикилиб турган бир вужуддай эдик. Бир вужуд бўла туриб айро-айро эдик. Менга ундан таралаётган айрилиқ азоб берарди. Биз қачон бирга бўлсак, айрилиқ мусибати босилар, салгина айрилсак, вужудимни андух тўлдирарди. Мен итга айланишни, унинг ёнида бўлишни истардим. Унинг ёнида ҳаёл лаззатига ғарқ бўлиб, шу лаззатга чўкиб кетишни орзу қилиб ўтирардим...

*“Бош муҳаррирга,
Режиссёр ёрдамчиси ...дан*

Билдирги

Эълон қилинган танлов бўйича бизнинг “Баҳовиддиннинг ити” радиопьеса-миз “Энг яхши адабий режиссёр” мукофотига сазовор бўлгани сабабли менга режиссёрни зудлик билан топишни тайинлаганингиз учун уни қаердан бўлса ҳам излаб топишга қарор қилдим. Дастлаб уйига бордим. Уйни ҳеч ким очмади. Қўшниларининг хабар беришича, у бир неча ҳафтадан

бери уйга келмаётган экан. Шунинг учун нима килишни билмай колдим. Шунда ёдимга унинг ишдан хайдалгач, кунини биз уч ой мукаддам овоз ёзган овлок боққа бориб ўтказаетганини айтгани эсимга тушди. Зудлик билан ўша ёққа йўл олдим. Қайта таъмирлаш максасида анчадан бери боғ ишламаётган экан. Шундай бўлса-да, сизнинг топшириғингизни бажариш учун қаровсиз боққа кириб, режиссёрни излашга қоровулдан рухсат олдим. Аммо боғда ҳеч ким йўқ эди. Мен бирон овлоқроқ жойда ўтиргандир деб боғнинг хилват жойларидан уни кидира бошладим. Бир соатлар чамаси изласам ҳам одам зотига дуч келмадим. Ҳафсалам пир бўлиб, энди қайтмоқчи бўлганимда девор туйнугидан кириб келган, бир-бирини қувлаб юрган иккита итга кўзим тушди. Улар гоҳ мендан узоклашиб боғ бўйлаб югуришар, гоҳ бир-бирини эркалаб тишлаганча, ёнимдан қувлашиб ўтишар, худди икки ошиққа ўхшаб, бир-бирларининг кўтирларини тиллари билан ялашар, бир-бирининг яраларига кўзларини суртишар, шу даражада бахтиёр эдики, мен ёнларида турганимни ҳам, изидан анча ергача эргашиб борганимни ҳам сезишмади: улар бутун дунёни унутишгандек, улар учун фақат иккаласидан бошқа ҳеч нарсанинг, боғнинг ҳам, одамларнинг ҳам, улкан ва шовқинли шаҳарнинг ҳам аҳамияти йўқдек эди. Уларнинг бир-бирларига муҳаббатига қараб менинг ҳам ҳавасим келди. Беихтиёр тасмаларга ёзилган увиллаш ёдимга тушди. Балки шулардан бирининг ноласи бизнинг тасмага тушиб, бизни роса овора қилгандир деб ўйладим. Энг қизиғи ва сизга бу нарсаларни батафсил ёзаётганимнинг сабаби шуки, итлардан бирининг бўйнида мен режиссёрнинг бўйнида кўп бора кўрганим – чарм тумор осилиб турарди. Боғда бошқа ҳеч кимни учратмадим... Режиссёрни топишнинг иложи бўлмади”.

200.. йил.

ОҚТИРНОҚ

Уни илк бор Ғўбдинтоғ этагида учратдим.

Куёш нурлари нимжўш рутубатни кесиб, тирама-нинг ачимтир иссиғи забтига олганида яйдоқ далада лўкиллаб кетиб борарди. Аҳён-аҳёнда бийдай яланг-ликда ис олиб чопар, гоҳида бўйнини чўзиб шувоклар орасига ҳезланиб тикилиб қоларди...

Ови бароридан келмаса, яна сомонпояси йиғиб олинган майдонга чиқиб оларди.

Одам оёғи узилган адоксиз дашт саҳнида ундан бўлак қора кўринмайди. Пастқам тепаликларга яқинлашавергач йўлини ўнгга бурди. Сел йўлида ҳосил бўлган жарликлар оралаб, шох-шабба ва куш патлари уюлиб қолган кўқимларни ҳидлаб кўрди. Сўнг кунгай тарафдаги қиялама сари йўртиб кетди. Этакдаги тўқайга ўхшаш бодомзорда санғиб юрди: муллатўрғай қувди, ковулнинг қотган меваларини териб еди, эски қўшхонада алланиманинг қолдикларини титкилади. Ичида овқатюқи қотиб қолган целофан идиш кузнинг енгил шабадасида пириллаб, итнинг оғзида осилиб борарди. Дарахт шохларидаги дашт қушлари елим халтанинг шитирлаши ва итнинг бир маромда йўртишини қизиқсиниб кузатиб туради. У ёввойи бодомлар орасидаги акас тагида оёқ илди. Тандирнинг оғзидек ковак ичига ер бағирлаб ўрмалай бошлади...

Сангзор ва Зарафшон орасидаги кимсасиз Ғўбдин даштига бу ит каердан келиб қолган? Қандай аянч қисмат одамлардан олис, овлоқ манзилга улоқтириб ташланган? Қайси қилмиши бундай тақдирга рўбарў қилган? Ҳеч ким бундай саволларга жавоб бера олмас, очиғи унинг

хаёт тарзи ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Ҳа-я, назардан батамом тушган, ташландиқ эмасди: болалаган кезлари кузатувда бўларди, ишқибозлар зимдан пойлашарди, изма-из юриб инини топишарди. Ҳали кўзи очилмаган кучукчасини хуржунга солиб, дунё топган калдек суюниб қайтишарди. Чўпонлар: “Болалари бўрибосар бўлади” – дейишарди. “Биттаси икки қашқирга тенг!” – деган гаплар ҳам улардан чиққан. Қизиқ, лақабиям турлича эди.

– Губурсойнинг кучуги, – деди бир куни опам гап орасида.

– Саройлининг саёқ ити! – жаҳл килувди мешини ғажиб кетганида Зубайда кўшнимиз.

– Ола хўкки! – деб эди раҳматли Исмат чўпон бир маъракада.

Исмат чўпоннинг нега Ола хўкки деганига ҳалигача тушунмайман. Чунки, унинг оласи йўқ, қизғиш малла, туғма чўнтоқ эди. Шалпанглаган қулоқлари, калта тумшуғи эт олган пайтлари ўзига ярашиб турарди...

Ўшанда олтинчими, еттинчими синфда, ишқилиб кичкина мактабда ўқирдим. Болалар тўққизни битиргач катта мактабга ўтарди. Шуниси эсимда. Кўпқарилаб кетган дадам бир ой деганда намозшом маҳали қайтди. Санчки билан ғарамдан пичан суғураётувдим, отнинг узун-узун пишқириғи эшитилди. Дарвоза ёнидаги оққа бурканган отлиққа кўзим тушди: дадамни ҳам, Чамбил лақабли отимизни ҳам чарчоқ босиб турарди. Жониворнинг тарам-тарам ёлида, дадамнинг қайрилма мўйловида томчинусха сумалаклар бор эди.

– Қоронғи томда катта қилсанг, – Чамбилни отайвонга олаётувдим отам кеча-бугун кўзи очилган кучукчани узатди. – Қопқир бўлади!

Гидикнинг мижози яхши экан, сал кунда қора овкатга ўрганди. Қиш охирида тозидек ингичка, лекин бўйдор итга айланди. Икки қор босганида қишлоғимизнинг олди ити бўлди. Мен уни олти ой қоронғи томда сақладим. Шу боисмикан, дадам айтганидек, қопқир ва баджаҳл бўлди.

Катгаравергани сайин кўни-кўшнилар сескана бошлагач, ҳовлимиз этагидан гуваладан ин қурдик. Бел баробар қозик қоқиб бойлаб кўйдик. Аввалига оти йўқ эди, укам иккимиз дуч келган ном билан чақирардик. Ҳайит арафаси меҳмонга келган аммам бир-икки ҳайиқиб: “Ол, анов Оқтирноғингни?!” – дегач лақаби Оқтирноқ бўлиб қолди.

Бир сафар занжирини узиб, Кўзибой бобони босганида дадам қаттиқ бақирди.

– Миянг суюлиб кетганми? Ҳеч замонда итнинг занжирини чилвир билан илдирадими қозикқа?! – Отам жаҳл билан катаги томон судраб борарди. – Симбуров солсанг, қилт этмайди-ку! Бўрига илакишган Ола ҳўккидан бўлса бу...

Ногаҳон Ола ҳўккининг зурриёти эканлигини билдим. Кўзибой бобони қопган бўлсаям меҳрим ошиб кетди. Чунки, унинг болаларини ҳамма орзу қилар, айниқса чўпонларнинг ишқибозчилиги зўр эди. Ич-ичимдан суюндим. Дадам кейинчалик нега сир сақлаганини айтиб берди. Айтишича, Ола ҳўкки йилда бир марта, ёлғиз бола туғармиш. Бирагай кучук ниҳоятда олғир бўлармиш. Кучга тўлганида ҳар қандай қашқирнинг додини берармиш.

Яна, бўрини оладиган итни сиртлон ҳам дейишади. Сиртлонларнинг орқа оёғида олтинчи тирноғи бўлади. Тирноғи етита, яъни қўшсиртлон итлар ҳам бўлади. Бунақалари жуда кам учрайди. Қишлоғимиз кексалари: “Улар бўри билан олишганида сиртлон тирноқлари иш беради” – деб кўп гапиришарди. Оқтирноғимизнинг олд панжасида ҳам қўшсиртлони бор эди. Дадам: “Бунинг томирида қашқир қони оқаётир!” – дегич эди пийпалаб эркалаганида.

Оқтирноқ уч қор босганида танатўш олди. Ўмровлари кенгайиб, бўйни қалинлашди. Шунга яраша панжалари ҳам йўғонлашди. Қалласи хумдек келадиган эди. Овози дўрилдоқ – қандайдир ваҳимали жаранг сочарди. Уйи-

мизга бегона келса ёки ҳамсояларнинг моли дарвоза ҳатласа, чунонам ташланардики, гоҳида занжирини уз-масайди деб қўрқардим. Тенгқурларим ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қарашарди. Бахайбат гавдаси, бўри келбати одамни ҳайиқтирарди. Айниқса, туғма чўнтоқ думи, тагидан кесилган кулоқлари янаям ҳайбатли кўрсатарди. Қизғиш кўзлари кўрқувга соларди кишини. Унинг яна бир ғайриоддий қилиғи бор эди: узун қиш кечалари увлаб чиқарди. Ҳар гал увлашдан олдин қисқа-қисқа хуриб оларди. Унинг бу хуриши кўпроқ чийиллаб-ғинг-шиётганга ўхшарди.

Ўлимидан кейин кўп ўйлаб юрдим: нега бундай қиларди? Қандайдир сири бормиди?.. Ҳалигача тагига етганим йўқ. Лекин, отамнинг: “Ота томонига тортди-да!” – деган гапи хотирамда.

Чамбилимиз энг катта солим – туяга ташлаган кунни Оқтирноғимиз яна занжирини узди. Аввалига катагида жимгина ётган эди. Мен қўтондан қий чиқараётувдим. Дафъатан инидан отилиб чиқиб, қибла томонга силтаниб хураверди. Ҳовлимизни унинг мағрур ва дўрилдоқ овози тутиб кетди. Ҳар силтанганида катаги баробар сакраб занжирини узгудек отиларди.

– Қара ановга?! Нон-пон ташладингми? – деди опам ошхонадан чиққан пўчоқларни сигиримиз охурига тўкаётиб. – Оғилнинг сиртида дайди итлар юрибдими дейман.

Куракни олиб сиртга чиқдим. Шунда... ёнимдан бир кўланка ўқдай учиб, кўкрак бўйи девордан ҳатлади-ю кўздан йўқолди. Сўнг, итларнинг ғала-ғовури, айримларининг уввос солиб чийиллаши эшитилди. Ҳамза подачининг беткайлигида Оқтирноқ ўнга яқин ит билан олишиб ётарди. Йўқ, Оқтирноқ эмас, ўнга яқин арлони ит бир-бири билан солишиб ётган эди. Қулоғи кесилмаган қанжиқ беткайликда лўкиллаб кетиб борарди. Бир пасда болалар жам бўлиб итларни олқишладик. Мен қўнғир итни тагига босиб олган Оқтирноғимизга кишт бериб турдим. Қўнғир Оқтирноқнинг тагидан сибжирилиб

чикар, у эса, зилдай гавдаси билан босиб оларди. Гоҳида тик туриб савашар, Октирнок бир зарб билан қулатиб яна тагига оларди.

– Итинг хадисини билмаскан!

Кутилмаган хитобдан ортимга бурилдим. Исмат чўпон олишувни бамайлихотир, лекин синчков кузатиб турарди.

– Эшакдай гавдаси, туядай кучи бор! – чўпон ўзига ўзи гапираётганмиди ёки менга айтаётибмиди англаб бўлмасди. – Икки марта кўнғирнинг бўғизи тўғри келди. Эплолмади. Бир ҳамлада жулунини қайириб, майиб қилладиган савлати бор-а...

Лекин чўпоннинг айтгани бўлмади. Октирнок рақибини босиб тураверди-тураверди. Бир маҳал жарнинг нишаблиги ўнгай келганда, кўнғир сибжирилиб чиқди-да тура қочди. Октирнок жажд билан қувсаям ета олмади. Кўнғир думини чоти орасига олиб, қишлоқ оралаб кўздан ғойиб бўлди. Уни судраб келиб, қозигига қалин сим билан бойлаб қўйдим. Шу пайт бўйнининг остидаги жароҳатга кўзим тушди. Териси бир қарич кесилган эди. Силқиллаб қонтомчиларди. Тасмасини авайлаб олиб, елкаси ва тўшидан арқон ўтказиб боғладим. Дадам келгунча катта энам иккимиз кепак қиздириб босдик. Эски рўмол билан бўйнини ўраб қўйдик.

– Нима бўлди бунга? – кош қорайганда узангидошлари билан қайтган дадам кўздан кечираётиб сўради. – Пичок билан тилгандек-ку!

Хуллас, дадам алламбало, хиди ўткир дорилар билан анча вақт муолажа қилди. Ҳар сафар малҳам сураётганида эски чопон билан тумшуғидан ушлаб турардим. Қиш адоқлаб, кўклам оёқлагунгача зўр бериб қарадик. Билмадим, аммамнинг катта ўғли келиб, Октирнокни олишувга олиб чиқмаганида ёки уни уриштиришга қарши турганимда бошқача бўлармиди...

Заман ака – аммамнинг катта ўғли, дадамнинг тўнғич жияни эди. Шу боисмикан, эркатойлиги бизникида

хам ўтарди: уйга келса истаган ишини қилар, хоҳласа от минарди ёки “Жигули” мизни учириб келарди. Негадир отам кўп қаттиқ гапирмасди унга. Айниқса, чамбилимизни терга пишириб келган кезлари “Айтинг, минмасин!” – деб жиғибийроним чиқарди.

– У – меҳмон, сен – уй эгаси! – деб вазмин гап қотарди дадам. – Бир терлагани билан отинг ўлмайди. Қайтанга пишади.

Заман ака эса, билганидан қолмасди. Худди тоғбеги-дек кўнглига келганини қиларди. Шаҳарда дўхтирликка ўқирди. Шунинг учунми ўрисча аралаштириб гапирарди. Ҳа-я, унинг оти аслида Заман эмас, Абдузамон! Негадир “абду” си тушгач, хунуккина “заман” га айланиб қолган.

– Ҳей, Боташ! – деди ўша куни кулчатойни еб бўлгач. – Давай, кучугингни обчиқ. Ҳозир чўботлар келади, уриштирамиз: бир кўй тикиб, гаров ўйнаганман.

Дадам эшитмадими ёки пайкамадими, ишқилиб ҳеч нарса демади. Нима қилай деган маънода қараган эдим, парво ҳам қилмади. Дастурхонга омин айтилгач ноилож кўзгалдим. Истар-истамас Заман аканинг ортидан тушдим. Оқтирноқ анчадан бери қозикда турганлиги учун мени судраб чопқинлар, узоқдаги итларни кўрса ваҳима солиб хуриб кўярди. Ҳаш-паш дегунча атрофимизда тенгўшларим кўпайиб кетди. Барчаси олишувни муҳокама қилиб борар, мен эса занжирни маҳкам қисиб олдинда йўртиб кетардим.

Каллалисойга етганда уларнинг қораси кўринди. Ўн чоғли бола увоккина бир итни ўртага олиб, бўйинини сийпар, елка ва оёқларини уқаларди. Ит шунга ўрганган шекилли, тумшугини чўзиб, гавдасини кериштириб, ажиб бир ҳолатда маза қилаётгандек эди. Яқинлашаверганимизни кўриб, олдинма-кетин сойга тушишди. Соининг текисроқ жойини танлаб, майда тошлардан улкан айлана қилдик. Заман ака уларнинг Тенгбой дегич каттаси билан музокара қилди. Иккови ўртага бир кўйнинг пулидан тикиб, холис одам – ўнгатлик Қуролбой жўрамга бериб

кўйди. Ашур ака ҳакам бўлди. Дарвоқе, Оқтирноқ уларнинг итини кўргач, шовқин солиб, силтаниб ташланса ҳам у парво қилмас, эгасининг ортидан майда қадамлар билан йўрғалаб кетаверарди. Ҳайиққан-ҳайикмаганини билиб бўлмасди. Доира ичига солиб, жангга ташлаганимизда ҳам хурмади. Фақатгина ириллаб, тишининг оқини кўрсатиб, илкис Оқтирноққа ташланди.

Биринчи бўлиб хужумни у бошлади. Итимнинг чап болдиридан олиб, пийпалаб ғажишга ўтди. Оқтирноқ улкан гавдаси билан суриб бориб ётқизди. Қарчиғайига оғиз солиб, пастга босди. Унинг бели майишиб, бир амаллаб Оқтирноқнинг чап томонига ўтиб, биқинидан олди. Ўша кез баҳайбат Оқтирноғимнинг қоядек ағдарилганини ва чўботлар ити илдамлиқ билан бўғизига чанг солганини кўрдим. Ичим идраб кетди. Оқтирноқ хириллар, менинг эса, қоним қайнаб-тошарди. Даврадан қисилиб чиқиб ажратмоқчи бўлдим. Кимдир тирсагимдан тортди.

– Нима дейсан, итинг олдирганини тан оласанми? – деди Тенгбой Заман акага.

– Ҳе, нима деяпсан?! Ўлигини олиб кетасан лайчангнинг!

Заман аканинг шу гапидан кейин доира тарафга бурилдим. Оқтирноқ чўботлар итининг устига чиқиб, тўғрироғи дустандан ётқизиб, кулоғини чайнаб-пийпаларди. Елкамдан тоғ ағдарилгандек, шу топда ўзим ғалаба қозонаётгандек эдим. Афсуски, рақибимиз ўта чайир, чайир ҳам эмас, қайиш экан. Чапдастлик билан буралиб, зилдай босиб турган кўланкадан халос бўлди. Иккиси ажрашиб, яна урушмоққа тушди.

– Ҳей, қаранглар! Кўктой дум ташлади, – деди кўшнимиз Ҳамрокул қичқариб.

Ҳақиқатан ҳам чўботларнинг кўк ити шалвираб, га-жак думи осилиб қолган эди.

Орада анча баҳс бўлди. Биров ундай, биров бундай деди. Тортишувга ҳакам – Ашур ака нуқта қўйди:

– Яна бир марта кўямиз, қайси бири босса шуниси голиб!

Итлар майдонга тушиши билан аввалги шижоатга минди. Аввалбошда тик туриб савашди. Бунда Октирноқнинг кўли баланд келди. Ўнг панжаси билан жаҳд билан уриб, кўкни ағдарди-да сағрисидадан босди. Октирноқнинг тик туриб савашидида ғалаба килиши аниқ эди. Чунки, унинг танаси кўкникидан анча йирик эди. Кўк жуда чаккон ва урушишнинг ҳадисини олган экан. Чаптастлик билан ўнгланиб олди-да, Октирноқнинг чотига тиш ботирди. Ётган жойида бир ағдарилиб, Октирноқнинг орқа томонига ўтиб олди. Шунда итимнинг орқа ўнг оёғи чўзилиб, нокулай туриб қолди. Кўк шуни пойлаб турган эканми, орқага тисарилиб Октирноқни резинадек чўза бошлади. Боякиш ҳеч нарса қила олмас, фақат ортига қараб ирилларди. Тагин ичимга ваҳима тушди. “Бор-е!” – деб ажратиб олиш учун доира томон юрдим. Кўк энишда эди. Тисарилиб тортавергач тобора пастлайверди. Кутилмаганда, шуни пойлаб турганми, Октирноқ илкис ортига буралиб силтанди. Кўк яна унинг тагига тушди. Октирноқ кўкнинг чаккасига оғиз солиб пийпалайверди...

– Бўлди! – деди чўботлар орасида биров йиғламсираган овозда. – Итимни ўлдириб кўяди.

Ашур ака кўлидаги халачўпни Октирноқнинг оғзига солиб буради. Кўк озод бўлди ва кимир этмай тилини осилтириб тураверди. Октирноқ чўлоқланиб четга чиқди.

– Ҳо-ов, болалар! – кўзи қисик бола туйқус гап бошлади. – Манов кучук четлади – ютқизди!

Тагин баҳс бошланди.

– Келинлар, охирги марта майдонга туширамиз! – Ашур ҳакам жанжалнинг олдини олиш учун муросага келтирмоқчи бўлди. – Қайси бири енгаркан?

Мен норози бўлдим. Қонга беланган Октирноққа ичим ачиди. Айниқса, тинган кўзлари, осилиб турган

тили, чотидаги кесик жароҳати раҳмимни келтирди. Заман ака зўрлик билан даврага тортди. Октирноқ суд-ралиб борди. Лекин... Кўк ириллаб у ер-бу ерига чанг солганда ҳам айиқдек бепарво турди. Сўнг, оғир қадамлар билан айлана четига чиқди.

Чўботликлар калака қилиб кулишди. Заман аканинг жаҳли чиқди. Муштдек тошни олиб Октирноққа улоқтирди. Тош унинг биқинига текканида бир силтаниб тушди.

– Тфу, бунинг дальтоник, ха, кип-қизил дальтоник! – деди Заман ака жаҳлини жиловлай олмай. – Бунинг фақат уйингга келган бегонани, қўшнининг молини кўради. Манов лайчани кўрмайди. Уни кўриш учун кўз керак, юрак керак!

Мен Октирноқни етаклаб қияга ўрладим. Болалар тарқалишди. Зиён асабига урган Заман ака сой ўрта-сида ҳамон шунга ўхшаш гапларини такрорларди:

– Бўрини олади десам, чиниминан кўппак-ку бу! На олишишни билади, на чап беришни. Фирт дальтоник: уйга бегона келса босиши керак, мол-ҳол остона ҳатласа ўтакасини ёриш керак. Ўргилдим, сенга ўхшаган Олла хўккининг боласидан. Касал – Бу!

Кечқурун мол-ҳолни тинчитиб уйга кирганимда дадам қоракисалик чавандозлар билан гурунглашиб ўтирган экан.

– Заман жиян кўринмайди?! – деди чой кўтариб кирганимда.

Чидаб туролмадим. Октирноқнинг аянчли ҳолидан ичим эзилиб кетганди. Назаримда, ўлар ҳолга келганди у. Ҳиқиҷоғимни базўр босиб: – Заман кетди, Октирноқни ўлдириб тинчиди! – дедим йиғламсираб.

Полвонлар бири олиб-бири қўйиб мени тинчлантирди. Дадамга ҳаммасини айтиб бердим.

– Парво қилма! – маслаҳат берди тўрдаги шопмўйлов меҳмон. – Бундан буёғига кечқурунлари бўшатиб, эрталаб бойлаб қўй. Шунда пишади, уқдингми!

– Тўғри айтасиз, Оқбўта ака! – дадам маъқуллаб гап кўшди. – Бунинг кучуги занжирини узиб бўшалмаса, бўш қўймаймиз-да. Шунга ўнглаб уриша олмаган. Уззукун бир қозикда тургандан кейин қайдан билсин?..

Шу билан гап ўзани бошқа томонга бурилди.

– Ҳайвондир, одамдир нимаики бўлмасин сал эркинлик керак, кўпга аралашиб туриш керак, – пиёлани кафтида ўйнаб ўтирган Абдул чапақай дегич кўшилди орага. – Бу – ит экан. Ўнгатлик Шукур ҳосилотнинг гап-сўзидан умуман ҳафсалам пир бўлди. У шаҳардаги Толли жиян билан томир бўламан деб хўп кўрди. Болалари бўшанг, шекилли муроди ҳосил бўлмагач: “Боланг ўнгли бўлмасаям қийин экан” – деб нолиб юрибди. “Минг кистасам ҳам шаҳарга бормади шўринг курғур” – деди у кунни тегирмонбошида. Нима эмиш, куёв бўлмиш шаҳарлик қизлардан ҳайиқармиш.

– Э-э, Абдул ака. Ҳосилотнинг болалари уйдан кўчага чиқмаган, бешикдан тушганидан бери сурувнинг кетидан эргашиб юрган бўлса, – шопмўйлов полвон гапни илиб кетди. – Уларда нима гуноҳ, асли Шукур зикнани уриб кетган. Битта-яримини ўқитганида ёки мундай бир элга аралаштирганида боланинг ўзи кизни етаклаб келарди.

Ҳангома анча чўзилди. Пешма-пеш чой дамлаб, қайнатманинг косаларини йиғиб олдим. Ойим хамир ийлаб, кулчатой тадоригига киришаётган эди...

Эрталаб Чамбилни яккамихга олиб, қўйларга арпа бераётганимда кўноқлар турнақатор бўлиб уйдан чиқишди. Аввал дадам билан, сўнг катта энам ва ойим билан хайрлашди. Ғовга етганида Абдул чавандоз жилвони тортиб менга юзланди:

– Бўрибосарингни ҳар оқшом бўш қўй улим. Ўтган-кетган итлар билан талашаверса ўйини кўпаяди. Ҳадемай қашқир билан довлашадиган бўлади.

Дафъатан Оқтирноқнинг катаги тарафга қарадим...

У кўринмасди. Молларнинг охурига емиш ташлаб, теварани кўздан кечирдим. Қозигига илдирилган занжирга кўзим тушди: бир учи катакнинг ичига кириб кетган эди. Уясининг тўри чуқур ва зах экан. Аввалига “мах-мах” лаб чақирдим. Қиё ҳам бокмади. Занжирдан тортиб, чиқармоқчи бўлдим...

Катагининг тўрида ғужанак бўлиб, тош қотиб қолган эди.

Дадам иккимиз Каллалисойга судраб кетаётганимизда Кўтирқоянинг устида нимадир чўнкайиб ўтирарди. Белдан ошаётганимизда бир-бир қадам ташлаб пастга энди. Оқтирноқни кўмиб, устидан тупроқ тортганимизча қияда ўтирди.

Сўнг, бир маромда лўкиллаб дашт томонга йўл солди. Белга кўтарилганимизда қори кетиб, қора-қўнғир тус олган майдонда кетиб борарди. Узоклашгани сари бепоён дашт саҳнида кичик нуқтага айланиб, тунд табиат кўйнига сингиб бораётгандек эди.



БИР МАВЗУНИНГ ТУРФА ТАЛҚИНИ

Инсон ва табиат – бадиий адабиётнинг бепоён бир мавзуси. Табиат оғушидаги минглаб, миллионлаб хил-қатларнинг ўз фазилати, фитрати, хусусияти бор. Инсон эса улар ичида энг гўзал, энг муқаррам, барча яратиклар ичра гултождир.

Аммо инсонга хос қандайдир хусусиятларни адиблар ўз асарларида рамзлар ҳайвонот олами тили билан ҳам баён қилади. Барчасидан мақсад инсон бўлади. Ҳайвонларнинг инсоний фазилатлари мужассам топган асарларда одамларнинг ҳайвондек тубанлашган вазиятлар таъкидланади. Мухтарам ўқувчи ушбу китобга жамланган бешта ҳикоя ўзингиз ўқиб гувоҳ бўлганингиздек барчаси бир мавзу, яъни инсонга жуда яқин ҳамроҳ бўладиган итлар тўғрисида. Турли авлодга мансуб ёзувчиларнинг ҳар бири айни мавзунини ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда тасвирлайди. Улардан энг ёши улуғи Саид Аҳмад, энг ёши – Анвар Суён.

“Қорақўз Мажнун” ҳикоясида битта оиладан бош олиб кетган бир одамнинг тақдири, Саодат кампирнинг фазли умри, орзулари, қизи Қумрининг армонли ҳаёти – барча-барчаси бағоят маҳорат билан тасвирланади. Саид Аҳмад ҳикояни деталлар асосига қурган. Итнинг холи, кампирнинг кўриниши, табиати, асар тугунчида ўғлининг болаликдаги кийимларини сақлаб юриши, Бўрибойга исм берилиши, Боря бўлиб бўйнига хоч тақиб олгани – ҳикоя шу каби бир дунё тафсилотларга эга бўлиб, унда қурук баён эмас, балки тасвир, воқеликни деталлар билан жонлантириб, ўқувчи кўз олида аниқ намоён

қилиш етакчилик қилади. Ушбу ажойиб ҳикояда Қоракўз Мажнун деган бир итнинг “одамийлиги”ни, Борянинг одамийликдан чикқани кўринади. Ит ва одам орасида Саодат кампир билан унинг Қумри исмли кизи симметрия ўқи вазифасини бажариб туради. Ҳикоядаги барча эпизодларининг назари, ҳаёт йўли билан колипланади. Зеро, адиб назарида ҳар қандай инсон зоти учун эл-юрти, иймон-этиқоди ҳар қандай нарсадан юксак туради. Саодат кампир ўғли Бўрибойдан кўрмаган яхшилигини Қоракўз Мажнундан кўради. “Одамийлаш”ган Қоракўз Мажнунни унинг тилини, дилини, юрагини, овозини тушунмаган “хайвонлашган” одамлар отиб ташлашади.

“Дарвоза ёнидаги ит” ҳикоясининг номи “Олапар” деб қўйилса ҳам бўларди. Чунки Олапар ҳикоядаги асосий образдир. Унинг хўжайини жуда оқибатли, меҳрибон, унинг хотини эса – Олапарнинг душмани. Олапар билан шу хотин ўртасида конфликт бор. Ҳикояни қизиқарли қиладиган муҳим ўрин шу конфликтларда сезилади. Итнинг теварак-атрофдаги одамларга карашлари, туш кўришлари – ажойиб. Адиб итнинг ўтмиши ҳам туш воситасида баён қилади. Олапарнинг хўжайини “Ит – вафо, хотин – жафо” деган мақолни қўллаганида хотини додлаб юборади. Бу мақолни ўзи учун ҳақорат деб тушунади. Ҳикоя марказидаги ит анча – “одамий”, ҳалиги хотин эса – нисбатан шафқатсиз. Унда Олапар психологияси, кучукча билан ўйнаган нукталар, хўжайинининг иложсиз ҳолатлари, айниқса, Олапарнинг подага дуч келиши жуда тиник тасвирланган: “Пода қайтмоқда эди. Сигирлар ҳаккалаб келаётган Олапарни кўриб, таҳдид билан пишқирдилар. Кичик бир новвос пода ортида қолиб, итнинг йўлини тўсди. Кўзларини олайтириб, сузишга шайланди.” Ҳикоя маҳзун яқунланади. Эсингизда бўлса, Қоракўз Мажнунни отишган эди. Мурод Муҳаммад Дўст ҳикоясидаги ит хўрланиб ўз ажали билан ўлади.

“Оқтўш” хикоясида диалоглар кам, асар тасвир ва тавсиф асосига қурилган. Бутун хикоя давомида одамлар “жимитиб” кўйилади, ит одамлар гапини эшитмайди, уларнинг ҳаракатларини кузатади. Оқтўшнинг одам гапини эшитиши хикоянинг охириги биргина эпизодида бор, холос. Аммо ит одамга ўхшаб ўйлайди, туш кўради, яхши-ёмонни сезади, зарурат юзасидан теваракда кезади. Итнинг томоғига чирков-чиркай ёпишиш, Оқтўш билан Оқ итнинг ўзаро “ошиклик” сахналари жуда табиий, ишонарли ва реал тасвирланган. Кўриқчи Оқтўшнинг уйга кирадиган хашарчиларнинг пойабзалларига қараб ётиши, уларни оёқ кийимлари билан фарқланиши – ёзувчининг яхши топилмаларидан биридир. “Хўжайин калиш киядиган бўлгач, этикка биров қарамади” – тавсифи берилаётган образнинг кексарганидан далолат. Ҳикояда Оқтўшнинг ҳид олиши ҳам, бировларга эргашиши ҳам шу оёқ кийимлари билан параллел берилади.

Баҳодир Мурод Али ҳам ўз хикоясини ит ҳаётидаги энг сархуш, сурурли дамларни туш кўриши, унинг ўлими остонасидаги ҳолати билан яқунлайди.

“Баҳоуддиннинг ити” хикояси сарлавҳасининг ўзиёқ маърифатли ўқувчига узоқ мозийни хотирлатади. Қуръони Каримдаги қаҳф аҳли ва уларга ҳамроҳ бўлган ити ҳақидаги машҳур, ибратли қисса эсга келади. “Биз уларни (баданларидан ерга тегиб турган томони чириб кетмаслиги учун) ўнг томон, сўл томонга айлантириб турурмиз. Уларнинг итлари эса олди оёқларини остонага ёзиб ётур”. (“Қаҳф сураси 18-оят”). Асҳоби қаҳфнинг ити – табаррук. Шунингдек, мўғил босқинчилари билан шиддатли олишган ватанпарвар донишманд шайх Нажмиддин Кубронинг ити ҳам машҳур. Ҳазрат Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида унга “Шайх Нажмиддини Кубронинг сўзи ва итга тушган кўзи” деган махсус фасл бағишлайди:

“...Юз кўюб шайх олида қилди ниёз,
Барча итлар узра бўлди сарфароз.
Ҳар қаён шахр ичра қилса эрди майл,
Итлар эрди гирдида андоқки хайл,
Қайда ўлтурса эди итларга шох.

Ҳалқа эрди даврида хайлу сипоҳ...” (Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991.128-бет). Нажмиддин Кубронинг ити назар топиб, Кўҳна Урганч итларига бош бўлади, шахар итлари унинг теграсида ҳалқа қуриб ўтиради. Эгаси душманга қарши қилич кўтарганида унинг ёнида бамисоли жангчи-лашқарга ўхшаб ўз эгаси ва юрти учун ҳимоя жангида қатнашади. “Ит ва одам жангига тан берди мўғуллар”, деб таъкидлаган Иброҳим Ғафуров шу мавзудаги мансурасини “Ажабланманг: мен бугун Нажмиддин Кубронинг итимаан. Тушунтириб берай сизга сўзимнинг боисин: Чингиз босқинидан қолган асорат бор ҳужайраларимда” (И.Ғафуров. “Илтижо” китоби. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 26-бет.), деган сўзлар билан бошлайди.

“Дарёлар – сингиллар кўзидаги ёш
майсалар – муборак Курбон ҳайити
Юлдузлар – Нажмиддин Кубро отган тош
мен эса... Нажмиддин Кубронинг ити”,

деб ёзган эди шоир Асқар Маҳкам (“Ҳақ”. 1998. 485-бет). Ижод аҳлининг ўзини бу қадар музтар сезиши, баъзида ўзини “адашган ит”га менгзаши бежиз эмас. Н.Эшонкул ҳикояси сарлавҳаси ассоциациясидан шу каби бир қатор мулоҳазалар пайдо бўлади. Аммо ҳикоя мутлақо замонавий ва замон ускуналари – овоз ёзгич аппаратлари, овоз хусусида мулоҳазалар, овоз ёзувчиларнинг уринишлари, режиссёр ва унинг ёрдамчисининг иш жараёнидаги ўзаро мулоқотлари билан

бошланади. Ит ҳақида бошида гап йўк. Ҳикоя сахнига ит ўз овозидан кейин кириб келади. Ит овозидан секин-аста итнинг ўзини, сўнгра ит ва одамнинг ўзаро деярли битта вужудга дўнгани тасвирига ўтилади. Ит ва одам орасидаги тушуниш қийин бўлган муносабатлар батафсил тасвирланади. Ит одамларни ҳикоя марказидан четга суриб, ҳатто унга яқин бўлган режиссёрни ҳам ўз кавмига қўшиб олади. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ҳикояни “инсон ботинидаги “ит” – нафсининг ўйинлари” йўсинида таҳлил қилади ва айни дамда “ундан сўфиёна бир маъно ёки бўёқ қидирмаслик керак”, деб жуда ўринли огоҳлантиради (И.Ҳаққул. Ижод иқлими. Тошкент. “Фан”, 2009.378-379-бет). Назаримда, ҳамдардлик, ўзаро ички оламнинг яқинлиги – бу инсон ва хайвон ўртасидаги чегарани йўқотади.

Умуман, Н.Эшонқул ҳикояси ушбу тўпламдаги бошқа ҳикоялардан метафоралари ва рамзли табиати билан фарқланади. Унда руҳиятга, ботинга, умумиятга доир тавсифлар етакчи ва ҳикоя кўп талкин учун асосли.

Ёш адиб Анвар Суённинг “Оқтирноқ” ҳикоясини ҳам ўқидингиз, тўғрими? Хўш, нима ҳақида экан бу ҳикоя? Фақат Оқтирноқ лақабли ит, ит боқиш, ит уриштириш ва унинг томошаси ё ўлими тўғрисидами бу ҳикоя?

Менимча, ҳикоя инсонийлик, одамийлик ҳақида. Бу ҳикоя айрим кимсаларнинг қалб иллати ва хайвонларнинг инсоний шафқат туйғулари тўғрисида. Муаллиф бу гапни бирор ўринда очик ёзмайди, сир тутади, яширади. Ўқувчини “чалғитиш” учун кўпқаридан, Оқтирноқнинг панжасидаги қўшсиртлонидан, итлар жангидан, Ҳосилотнинг ҳолидан гап очади...

Ҳикоя матнида одамларнинг исмлари кўп. Бироқ улар персонаж эмас, уларни исмсиз лақаби ё касби билан аталганда ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Аммо Оқтирноқ ўз номи, психикаси ва характерига эга образ.

Қизик жойи шундаки, ҳикоя талқинига бошқа бир фикрни кўшиш ҳам мумкин: Ола ҳўккининг аянчли саодати – эркида, Октирноқнинг фожиаси эркисизлигида. Меҳмонлар Октирноқнинг ночор холини кўриб, унга қиёсан негадир Шукур ҳосилот болаларини эшлашади. “Ҳайвондир, одамдир нимаики бўлмасин сал эркинлик керак, кўпга араллашиб туриш керак”, дейди улардан бири. “Октирноқ”ни шу тезис асосида ҳам таҳлил этиш мумкин.

Тўғриси, менинг тасаввуримда ҳикоядаги ушбу иккинчи палладан кўра узун тафсилотларга эга бўлган ва сюжетни композицион жиҳатдан қолиплаб турган Ола ҳўккининг “инсонийлик туйғулари” палласи босиб келди. Бундай талқиннинг бошқа бир ассоциациявий сабаби ҳам бор. Илгарироқ моҳир таржимон Мирзаали Акбаров таржимасида олмон адиби Ҳерман Ҳессенинг “Бўри” ҳикоясини ўқидим. Қишлоқ одамлари озуқа илинжида кечкурун ўрамига оралаган бир оч бўрини кўлларида таёклари билан қувиб қолишади. Оломон шовқин-сурон билан унинг изидан эргашиб кенг далагача бориб, бўрини ўларман қилиб уриб ташлаб кетишади. Шу ҳолда ётган бўрининг кўзи осмондаги муназзах ойга тушади. Тошбағир одамлар бундай назоҳат ва гўзалликдан бебаҳра. Ким бўри?...

Назаримда, Анвар Суюннинг ёвузликка қарши ит образини, унинг кўзи ва кўнглини контраст қўйиши ўз ижобий натижасини берибди. “Абдузамон” – яхши топилган исм. Бу кимса, гарчанд ўқимишли бўлса ҳам, Яратганнинг эмас, замона иллатларининг қулидир. Заман – Абдузамон билан ит орасида ҳикоянинг умумпафосига кўра зиддият бор. Беғубор ровий бола улар ўртасидаги мувозанатни сақловчи жонли, руҳли бир восита. У иложсиз кайфиятли: Октирноқни аяйдиган бўлса, меҳмон ака хафа бўлади. Меҳмоннинг кўнглига қарагани боис ити жароҳатланади; қисмат экан – ўлади.

“Одам оёғи узилган адоксиз дашт сахнида ундан бўлак қора кўринмайди. Пасткам тепаликларга яқинлашавергач йўлини ўннга бурди. Сел йўлида ҳосил бўлган жарликлар оралаб, шох-шабба ва қуш патлари уюлиб қолган кўқимларни ҳидлаб кўрди” – хикоя бошидаги бундай тиниқ тасвир ўқувчининг тасаввурига мухрланади.

Ҳикояда ит уриштириш жараёни анча батафсил, ишонарли тасвирланган. Ровий ҳодисани қораламайди, мақтамайди ҳам. Томошабинлар жангдан завқланади. Бола эса жиндай оғмача кайфиятда юрагини ҳовучлаб туради. Бир кўйнинг пулини ўртага қўйиб гаров ўйнаган итбоз Абдузамондан одам хафа бўлади. Октирноққа Боташга кўшилиб ачинади. Ола ҳўккиннинг унсиз фарёдини сезади.

Ровий воқеликни жуда тигиз услубда баён этибди. Гарчанд бир оз меъеридан ошгандек таассурот қолдирса ҳам, ўзбек адабий тилида кўп ҳам қўлланилмаган янги сўз ва ибораларни ишлатибди. “Кўқим”, “қиялама”, “чўнтоқ”, “танатўш”, “ўмров”, “симбуров” – адабий тилимизнинг луғат хазиначидан ўрин олишга муносиб бундай сўзлар эл орасида кўп. Муаллиф “тирама”, “дустаман” каби айрим сўзларнинг адабий тилда “тийрамоҳ”, “юзтубан” каби муқобили борлигини билиб ё билмай қўллайди. Бу “айб”ни ёзувчига эмас, балки ровий зиммасига юклаб юборилса, эҳтимол ўзини оқласа керак. Чунки воқеликнинг “Ich-Erzählung”, яъни биринчи шахс тилидан баён этиш усули поэтик нутқдаги ўша ҳолатлар учун изн бериши мумкин. Аслида ҳар қандай адибнинг сўз излаши, сўз танлаши, ибора ва сўз ясаши умуман адабий тил табиатиға мос, кўпчиликка тушунарли бўлиши, тилни бойитишға хизмат этиши кадрланади...

Тўғриси, бугунги адабий ҳаётда урчиган оддий “воқеанома”лардан фарқ қиладиган ушбу хикояни ёзган Анвар Суюн келгусида ўзининг нурли қалами билан адабиёт муҳибларини суюнтиришиға умид қиламиз.

Қадрли ўқувчи! Битта мавзунинг турфа бадий талқинини завқланиб ўқиган ва Сиз ҳам менга ўхшаб мулоҳаза юритаётган бўлсангиз ажаб эмас. Зотан, жиндак мудраган фикрий ҳужайраларни бедор этиб, ҳикоялар қалбингизга завқ-шавқ бағишласа, демак, сиз ўйлаётган, ўқиётган, англаётган чин маънодаги маърифатталаб инсонсиз! Бундан биз мамнунмиз, ўзингиз ҳам фахрланишга ҳақлисиз, албатта!

*Баҳодир КАРИМОВ,
адабиётшунос*

МУНДАРИЖА

<i>Саид Аҳмад. Қоракўз Мажнун.....</i>	<i>3</i>
<i>Мурод Муҳаммад Дўст. Дарвоза ёнидаги ит.....</i>	<i>21</i>
<i>Баҳодир Мурод Али. Оқтўш.....</i>	<i>32</i>
<i>Назар Эшонқул. Баҳовуддиннинг ити</i>	<i>47</i>
<i>Анвар Суюн. Оқтирноқ</i>	<i>71</i>
<i>Бир мавзунинг турфа талкини (сўнг сўз)</i>	
<i>Баҳодир Каримов.</i>	<i>82</i>

Адабий-бадiiй нашр

ОҚТИРНОҚ

Ит ҳақида беш ҳикоя

Мухаррир *Даврон Улугмуродов*
Бадiiй муҳаррир *Иззатилла Юлдашев*
Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*
Мусахҳих *Фотима Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензия рақами АИ №154. 14.08.2009.
2016 йил 25 январда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 4,83 шартли босма тобок. 4,2 нашр тобок.
Адади 500 нусха. 115 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz,

[e-mail: info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)